Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 12 октябрь, шанба • № 81 (10.856) • Эркин нархда сотилади

Вилоят фаолларининг йиғилиши

КУН ТАРТИБИДА – ТЎҚҚИЗ ОЙ ТАҲЛИЛИ

КЕЧА вилоят ҳокимлигида 1996 йилнинг тўққиз ойи мобайнида вилоятни иқтисодий, ижтимоий ривожлантириш якунлари ва ислоҳотларнинг боришига бағишланган вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят ҳокими муовинлари, ҳокимлик бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг биринчи муовинлари, банк, солиқ тизими ходимлари иштирок этдилар.

Фаоллар йиғилишини вилоят ҳокими Эркин Рўзиев бошқариб борди.

Кун тартибидаги масала — «1996 йилнинг тўққиз ойи мобайнида Тошкент вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш якунлари ва ислоҳотларнинг бориши» тўғрисида вилоят ҳокимининг муовини — вилоят истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармасининг бошлиғи Бахтиёр Ҳосилов маъруза қилди.

Маърузада 1996 йилнинг январь — сентябрь ойларида саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа тармоқлари, аҳолига маданий ва маиший хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, ташқи иқтисодий алоқалар ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида иқтисодий ислоҳотларни тобора чуқурлаштириш йўлида олиб борилган ишлари, натижаларни чуқур таҳлил этиш билан биргаликда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар ҳам кўрсатиб ўтилди.

Фаоллар йиғилишида, шунингдек, вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бошқармаси бошлиғи — вилоят ҳокими муовини Валерий Лозицкий, республика марказий банкининг вилоят бўлими бошқаруви бошлиғи Нусратилла Солиевларнинг ҳам ахборотлари тингланди.

Улар асосий диққат-эътиборни вилоятда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, кўчмас мулк объектларини сотишдаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, тадбиркорлар палаталари ишини фаоллаштириш ҳамда вилоятда накд пул айланмасини яхшилаш, эмиссияни қисқартириш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларга қаратдилар.

Вилоят ҳокими фаоллар йиғилишига якун ясар экан, тўққиз ойлик натижалар ҳар бир шаҳар ва туманда чуқур таҳлил этилиши, ундан тегишли хулосалар чиқариб, йўл қўйилаётган камчиликларни зудлик билан тузатиш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиши зарурлигини таъкидлади.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раисининг муовини Хусниддин Муҳитдинов сўзга чиқди.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТДА СУД ҲОКИМИЯТИ

Ўзбекистон Конституциявий судининг раиси Б. Эшонов, Олий суд раиси У. Мингбоев ва Олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломовдан иборат республика ҳуқуқшунослари делегацияси олий мақом судяларнинг халқаро конференциясида иштирок этиб қайтди. «Марказий ва Шарқий Европа, Болтиқбўйи, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари конституциявий ва олий судлари» деб аталган бу анжуман октябрь ойининг бошларида Америка Қўшма Штатларининг пойтахти Вашингтонда ўтказилди.

Учрашув АҚШдаги демократия учун кураш маркази ташаббуси билан уюштирилди. Анжуман ишида инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссияси, инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, Европа кенгаши парламент ассамблеяси, Америка федерал суд маркази вакиллари, шунингдек 35 мамлакатдан судялар иштирок этди.

Икки кунга мўлжалланган дастурга мувофиқ, учрашувда демократик жамиятда, айниқса ўтиш босқичида суд ҳокимиятининг тутган ўрни, фуқаро ва жиноят қонунлари талқини, суд қарорларини ижро этиш муаммолари, миллий судларда халқаро қонунларни қўллаш, судларнинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиши, шунингдек судловнинг бошқа жиҳатларига тааллуқли хилма-хил масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ ХАЁТИ

янгиликлар, хабарлар, лавҳалар

«ОЛТИН ГЛОБУС» СОВРИНДОРИ

ОҲАНГАРОН. Шаҳарнинг энг йирик саноат корхонаси ҳисобланган «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамияти нуфузли халқаро мукофот — «Олтин глобус» билан тақдирланди.

Ушбу мукофот цементчиларга улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг жаҳон андозасига мослиги, республикамиз иқтисодиётига сезиларли улуш қўшганликлари учун берилди.

Нурали АБДУРАСУЛОВ.

ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТИШДИ

ГЕРМАНИЯДАН келтирилган бу кўчма машина-шифохонада беморларнинг ҳар қандай дардига ташхис қўйиш мумкин. «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлими кўчма шифохонаси Зангиота туманида уч кун қишлоқ кезиб, юзлаб аҳолига хизмат кўрсатди.

Шифохоналардан анча узоқда жойлашган аҳоли бу хизматдан мамнун бўлмоқда. «Туркистон» жамоа хўжалигининг Иттифоқ, Рамадон, Назарбек, Бўзсув қишлоқларида бўлган шифокорлар болалар, ёш оналар ва фарзанд кутаётган аёлларга хизмат кўрсатиб, кам таъминланган оилалар, фахрийлар ва ногиронларга бепул дори-дармон тарқатдилар.

Дилором ТОШМЕДОВА.

ЭНДИ ТУМАНЛАРДА ОЧИЛАДИ

ЎТА ҚИСҚА муддат орасида Чирчиқ шаҳрининг Юмалоқ мавзесида янги озиқ-овқат дўкони қад кўтарди. Уни «Тақдир» фирмаси очди.

— Атрофдаги корхоналар ишчиларининг ҳамда аҳолининг анча масофага бориб, кундалик маҳсулотларни харид қилишдаги қийинчиликларини кўриб, янги магазин бунёд этишга киришган эдик, — дейди хусусий фирма директори Жўрабек Миразимов, — дастлабки дўкон куни кеча ишга тушди. Унга «Шаҳзод» деган ном бердик. Дўкон ёнида ошхона, чойхона ҳам барпо этилди. Магазин қошидаги тегирмон эҳтиёжга яраша ун тортиб бермоқда. Унинг нархи бошқа ерлардагига қараганда анча арзон. Энди Бўстонлиқ, Қибрай, Юқоричирчиқ каби туманларда ҳам мана шундай тижорат корхоналари очиш ниятимиз бор.

Абдураҳим УМАРБЕКОВ.

КЎЧАЛАРГА — ЯНГИ НОМЛАР

ОЛМАЛИҚДА кўчалар номини ўзгартириш давом этмоқда, шаҳарда ўзбекона ном билан аталаётган кўчалар кўпаймоқда.

Илгари Ленин номи билан аталган шохкўчага эндиликда буюк бобокалонимиз, халқимизнинг ифтихори ва ғурури Амир Темур номи берилди. Энгельс номли яна бир йирик кўча «Мустақиллик» номини олди.

Куни кеча яна йигирма иккита кўчанинг номлари ўзгартирилди. К. Маркс кўчаси йирик давлат арбоби Шароф Рашидов номи билан юритиладиган бўлди. Максим Горький кўчасига «Ипак йўли» номи қўйилди. Чунки, илгари Осиё давлатларини Оврупа мамлакатлари билан боғловчи бу йўл ҳозир шаҳарнинг эски қисмида жойлашган, қадимда Пункент номи билан машҳур бўлган ҳунармандчилик ривожланган қўрғондан ҳам ўтган экан.

Ғайрат СОТИБОЛДИЕВ,
«Олмалиқ ҳақиқати» газетаси муҳаррири.

40 ЦЕНТНЕР БЎЛАДИ

ЧИНОЗ. «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида пахтачилик билан шуғулланаётган деҳқон-фермер хўжаликлари кўп.

Раҳимжон Мамажонов ана шулардан бири. У оиласи билан бирга беш гектар ерга чигит экиб, ғўзаларни сифатли парваришлаб, мўл ҳосил етиштирган эди. Фермернинг оиласи йиғим-теримга эрта киришди ва биринчи теримдаёқ гектаридан 30 центнердан пахта йиғиб-териб олди. Куни кеча Раҳимжон Мамажонов 17 тонна биринчи навли ҳосил топшириб, режани бажарганлиги ҳақида маълумот берди. Фермер хўжалиги ўз имкониятларини чамалаб, ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш ниятида.

Орзикул МАЪМУРОВ.

«ЖАМБУЛ»ЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

Вилоятда биринчи

КУЗ келди дегунча бундан бир неча йиллар аввал қирлар бағридан «тортиб» олинган Олчинбой, Тонготар, Қорасоқол сойлари ўзгача манзара кашф этади. Турфа ранглар тусидаги дов-дарахтлар, кўм-кўк бедазорлар пахтаси лўппи-лўппи бўлиб очилган бодроқ далалар, мусаффо осмондаги оппоқ паға булутлар ила уйғунлашиб, дилларга ажиб завқ бағишлайди.

Аслида лалми ерларга экилган пахта майдонларининг табиати анча мураккаб. Агар эрта тонгдан то кеч оқшомгача она замин билан тиллашмасанг у сенга бағрини очмайди, саҳоватидан баҳраманд этмайди. Буни жамбулликлар синовдан ўтказишган. Шу боис, кунни тунга улаб меҳнат қилиш улар учун одат тусига кириб қолган.

— Инсон иродасини фақат ер эмас, она табиат ҳам имтиҳон қилиб турар экан, — дейди ҳар гектар ердан 32 центнердан пахта топшириб, йиллик режани биринчилар қатори бажарган бригада бошлиғи Миртожи Қанадилов. — Шу йил баҳорда ногоҳ келган дўл хўжалигимиз далаларида гуркираб турган ниҳолларни олақора қилиб, яксонлаб кетди. Деҳқонни ана шундай кезларда икки хаёл ўрайди: омон қолган кўчатларни парвариш қилиш керакми ёки барча майдонларни бузиб қайта экиш зарурми? Бу саволларга жавоб беришдан оғирроқ масъулият йўқ.

Сайланганига ҳали бир йил ҳам тўлмаган раисимиз Раҳмонали Бўронов ёш бўлса ҳам узоқни кўра билган йигит экан. Барча бригадаларда чигит қайта экилди. Парваришга келганда кексаю ёш баравар ёпишдик. Меҳнатимиз зое кетмаганлигини ўзингиз кўриб турибсиз.

Бригада бошлиғи иккинчи машина терими бораётган оппоқ далаларга эътиборимизни тортди. Агрегатининг бункери тўлиб қайтаётган Абдуқодир Абдуқуловнинг ишини анчагина кузатгач, уни суҳбатга тутдик. Механизатор яратилган шарт-шароитдан, айниқса, пахта тераётган даласидан мамнун.

— Бундай майдонларда ишлаб чарчамайсан, — дейди у, — ғўзалар бўйи бир текис, айни машинабоп, ҳосил қийғос очилган.

Раис ва Жамбул номли жамоа хўжалигига Юқоричирчиқ туман ҳокимлигидан биркитилган вакил Бахтиёр Агжанов билан йиллик режани биринчи бўлиб бажарган Шамсихон Марҳабоев, пешқадам бригадалар бошлиқлари — Мўмин Бўронов, Ўрозбек Жиянбеков, Тошболта Давлатбоевлар далаларида ҳам бўлдик. Хўжалик лалми ерларнинг ҳар гектаридан ўртача 24 центнердан пахта олиб, йиллик режани ортиғи билан адо этганига қарамай, бу бригадаларда ҳали баракали ҳосил борлигини, жамбулликларга етиштирилган «оқ олтин»ни йиғиб-териб олишда астойдил ёрдам бераётган ҳашарчиларнинг ҳам шижоат кўрсатиб ишлаётганликларини кўриб қувондик.

Биз шу куни хўжаликнинг бошқа тармоқларида эришилган ютуқлар билан ҳам қизиқдик. Бу ерда ўтган йилга нисбатан гектар бошига ғалла ҳосилдорлиги беш центнерга ошди ва 30 центнерни ташкил этди. Марказдан анча олис бўлган бу ҳудудга табиий газ етиб борди. Қатор уйлар қад кўтарди, йўллар равонлашди. Хусусий дўконлар пайдо бўлди. Энг муҳими жамоа чўккан қаддини ростлаб олди. Хўжаликда маънавиятни камол топтиришга ҳам эътибор ортди. Бу ерда машҳур қозоқ шоири Абай туғилган кунининг 150 йиллигига бағишлаб файзли кеча ўтказилди. Хўжаликда ҳамиша Наврўз ва Мустақиллликка бағишланган тадбирлар сермазмун ўтмоқда.

Айни кунларда бу ерда йиғим-терим қизғин бориши билан бирга, бўшаган ерларга дон экиш тобора жадаллашяпти. Ана шу ютуқлар келажаги нурли, Жамбулнинг ислоҳотлар йўлидан дадил бораётганлиги самарасидир.

Саидвали ҲАСАНОВ,
Саидмаҳмуд АБДУЛЛАЕВ,
Юқоричирчиқ тумани.

• Қуйичирчиқ туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигининг Валентин Ли бошлиқ бригадасида машиналар йиғим-теримга унум киритяпти. Ўта терим агрегатлари кеча-кундуз ишлаётир. Бекпўлат Айтбоев кунига 6—7 тоннадан пахта териб, ҳамкасблари орасида пешқадамлик қиляпти.

СУРАТДА: илғор механик-ҳайдовчи Бекпўлат Айтбоев.

Ҳусан АВВАЛОВ олган сурат.

ИШБОШИГА РАҲМАТ!

МЕХАНИЗАТОР ВА ТЕРИМЧИЛАР ҲАҚЛАРИНИ ҲАР КУНИ КЕЧКУРУН ХИРМОН БОШИДА ОЛИШЯПТИ

«ҚОРАСУВ» жамоа хўжалигида йиғим-теримни ташкил этишда ўзига хос иш тутилди. Ҳар куни ҳисобчилар механизатор ва теримчиларнинг терган пахтасига қараб, накд ҳисоб-китоб қилишмоқда. Суръат ҳам шунга яраша бўляпти. Хўжалик бўйича кунига йиллик режанинг тўрт фоизидан, ошириб пахта топширилаётган бўлса, Қодир Ботиров, Ислом Душаев, Валижон Тошбоев бошлиқ бригадаларнинг суръати беш фоиздан ортмоқда. Бу пешқадам бригадалар бугун-эрта йиллик режани адо этишади.

Навбатдаги иш куни тугади. Орзихон Тошбоева 100 килограмм пахта териб, 200 сўм, Насиба Турсунова билан Солиҳа Ўткенбоевалар 220 сўмдан, Замира Муродова 240 сўм ҳақ олди. 7 октябрдан бошлаб механизаторлар учун терилган ҳар бир тонна пахтага 100 сўмдан ҳақ тўлана бошланди. Ориф Неъматиллаев, Эшпўлат Жиянмуродовларнинг шу кунгача терган пахталари 65 тоннадан ошиб кетди. Хўжаликда 14 та терим агрегати ишлаб турипти. Хўжалик аъзолари бир овоздан ишбошига раҳмат дейишмоқда.

Маъмур БОЗОРАЛИЕВ,
Ўртачирчиқ тумани.

ҲАШАРЧИЛАР ДАЛАГА ЧИҚДИ

БЎКА туманидаги «Камолот» ёшлар жамғармаси ташаббуси билан 75 кишидан иборат зарбдор ёшлар гуруҳи ташкил қилиниб, ҳозир у «Бўстон» жамоа хўжалигида пахта теряпти. 122-автокорхона ишчиси Одил Мадиёров, Саъдулла Қулматов, Баҳодир Исоқов, газлаштириш тармоғи ишчиси Шерзод Йўлдошев, сув хўжалиги идорасидан Собит Агайдаров, маиший хизмат кўрсатиш тармоғи жамоасидан Барно Жуманазарова ва Дилафруз Худойназаровалар ҳар куни 70-90 килограммдан пахта териб, бошқаларга ибрат бўлмоқдалар.

Туманнинг «Почта-алоқа» тармоғи жамоаси ҳам 35 кишилик ҳашарчилар бригадасини тузиб, теримчиларга ёрдамга жўнатди. Шаҳодат Абдуллаева, Фарҳод Ортиқов, Тиллабек Бўлибоев, Ҳакима Зиёева каби алоқачиларнинг кунда терган пахтаси 100 килограммдан ошмоқда.

— Илғорларни рағбатлантириш тадбирларини белгиладик, — дейди «Почта-алоқа» тармоғи раҳбари Муҳаммаджон Ражабов. — Энг кўп пахта териб, биринчи ўринни эгаллаган алоқа ходимига бир йўла уч, иккинчи ўринни олганга икки, учинчи ўринга эса бир маош миқдорида мукофот пули берилади. Шунингдек, теримчилар ҳар беш кунда терган пахтаси ҳақини ҳам олиб турибдилар.

Олим ҲОСИЛОВ.

ХИРМОНГА БАРАКА

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 11 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда терилган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан бери

Оққўрғон	2,57	57,38
Бўка	2,01	56,58
Ўртачирчиқ	3,03	55,64
Қуйичирчиқ	2,33	50,35
Чиноз	1,99	49,86
Янгийўл	1,81	49,03
Юқоричирчиқ	3,29	48,94
Бекобод	1,66	44,74
Пискент	1,69	41,66
Вилоят бўйича	2,25	51,05
1995 йилда бўлган эди	2,10	78,63

ТРАКТОР РУЛИДА... КАЙФ БИЛАН

Гапни гапир уққанга

ПАХТА ҳосилини тез кунларда йиғиб-териб олиш бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль назорати бошқармаси ходимлари ҳам бу вазифани бажаришда ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқдалар.

Улар пахта далаларига олиб борувчи йўллар аҳволини, ҳашарчиларни ташувчи автобусларнинг техник ҳолатини пухта назоратдан ўтказяптилар. Ҳашарчиларни ташиётган автобуслар карвонини махсус кузатиб, ҳаракат ҳафвсизлигини таъминлашдек масъулиятли ишларни амалга оширмоқдалар.

Олиб борилаётган кундалик тушунтириш ишларига, берилаётган аниқ кўрсатмаларга қарамай автобус ва трактор ҳайдовчилари томонидан оз бўлсада, қоидабузарликлар содир этилмоқда. Буни вилоят ДАН ходимлари ўз вақтида аниқлаб, эҳтиёт билан чоралар кўрмоқдалар.

Вилоят Давлат автомобиль бошқармаси томонидан ҳашарчиларни ташишга жалб этилган автобуслар техник кўрикдан ўтказиш, зарур мосламалар билан жиҳозлаш, шуъаланувчи рангли чироқлар, ҳайдовчининг тиббий кўрикдан ўтиши шарт эканлиги ҳақида автокорхона раҳбарларига бир неча бор ёзма ва оғзаки кўрсатма берилган эди.

Шунга қарамай яқинда ДАН ходимлари Пискент тумани 82-АТСга қарашли ГАЗ — 5201 русумли, давлат белгиси 59-14 ТШП автоуловнинг ҳайдовчисини 16 ҳашарчини техник кўрикдан ўтганлиги ҳақида муҳр босилмаган ҳужжат билан олиб кетаётганда тўхтатдилар. Текширув вақтида автоулов ҳайдовчиси кўп кишини ташиш ҳуқуқини берувчи «Д» тоифасига эга эмаслиги маълум бўлди. Яна шунингдек, автоулов одам ташиш учун махсус жиҳозланмаган.

Бўка тумани Ҳожиматов номли жамоа хўжалигига қарашли КАВЗ — 685 русумли давлат белгиси 53-34 ТШП автобуси тўхтатиб текширилганда ҳам қоидабузарликка йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Ҳайдовчи И. Чинниқулов техник кўрикдан ўтмаган автобусда 40 нафар мактаб ўқувчиларини олиб кетаётган эди.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, ҳашарчиларни пахта йиғим-терими мавсумида автобусларда далага олиб бориш ва манзилига қайтиш ҳаракатлари доимо ДАН ходимлари кузатувларида амалга оширилади. Бундай тадбирни бажариш учун вилоят ДАН бошқармаси ва жойлардаги ДАН бўлинмалари томонидан алоҳида махсус ходимлар ва патрул автомашиналари ажратилган. Юқоридаги икки ҳодисада ҳайдовчилар бу кўрсатмага амал қилмаганлар. Бир қарашда кичик жуда катта фалокатга сабаб бўлиши мумкин эди.

Таҳлиллардан маълум бўлмоқдаки, кўпол қоидабузарликлар трактор ҳайдовчилари томонидан содир этилмоқда. Техник жиҳатдан носоз, маст ҳолда бошқариш, ҳайдовчилик гувоҳномасиз рулга ўтириш трактор ҳайдовчилари учун доимий ҳол бўлиб қолган. Шу сабабли сўнгги вақтларда ДАН ходимлари трактор ҳайдовчиларини қаттиқ назорат қилмоқдалар.

Пискент туманидаги Ҳ. Қодиров номли жамоа хўжалигига қарашли МТЗ — 80 русумли, давлат белгиси 55-98 ЕР трактор бошқарувчиси ҳайдовчилик гувоҳномасиз, кеч оқшом пайтида пахта ортилган 5 та аравани шатакка олиб, ташқи ёритгич асбоблариси бошқариб кетаётганида тўхтатилди.

Қуйичирчиқ туманидаги Улуғбек номли жамоа хўжалигига қарашли МТЗ — 50 русумли, давлат белгиси 75-70 ЕР ҳайдовчиси В. Жуманов трактор аравасида 2 та ва кабинада битта ортиқча одамни ҳайдовчилик гувоҳномасисиз маст ҳолда бошқариб кетаётганида ушланди.

Пахта йиғим-терими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишда ҳар бир соҳа кишилари ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқлари зарур. Шундай экан, йўлларда ҳаракат қоидаларига риоя этиш, йўл ҳавфсизлигини таъминлаш нафақат ДАН ходимларининг, балки, автокорхона раҳбарлари ҳам автобус ва трактор ҳайдовчилари белгиланган қоидаларга тўлиқ амал қилишларини қатъий назоратга олишларини тақозо этади. Ана шунда биз олдимизга қўйилган вазифани тўлиқ адо этган бўламиз.

Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ,
Тошкент вилояти ИИБ ДАН бошқармаси нозири, милиция лейтенанти.
Убайдулла ТУРСУНБОЕВ,
вилоят ДАНБ тарғибот бўлими катта нозири, милиция капитани.



Бекобод туманидаги қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш заводида созловчи Қосимжон Соипов номини ҳурмат билан тилга оладилар. Бу тажрибали ишчи тез ва сифатли ишлашда касбдошларига намуна бўлмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ВИЛОЯТ ХАЁТИ

янгиликлар, хабарлар, лавҳалар

Алишер Навоий номли Давлат мукофотига номзодлар

САРОБ УМРЛАР ТАЛҚИНИ

ТУШИНГИЗГА мутлақо бегона, нотаниш кимсалар кирадими? Йўқ. Ҳатто, қўрқинчлик олабўжиям яқинлашганида бирдан таниб қоласиз, ие, бу — фалончи-ку, дейсиз. У билан олишишингиз ё муросаи мадора қилишингиз мумкин. Босинқираб уйғонгач, ўша туш ҳақида, албатта, ўйлайсиз. Таниш қиёфалар билан тушда бўлса-да кўришиб туриш — яшаш демак, тириклик демак. Бадиий асар қаҳрамонлари-чи? Улар танишми ё нотаниш кимсалар? Китобни ўқиб бўлгунга қадар таний олмадингизми, демак, ўша асар мутлақо жонсиз... Жонли асар қаҳрамонлари ҳамиша кўз олдингизда тирик бир қиёфада жонланиб туриши шарт. Ҳатто олис юртларда битилиб бизгача бир неча таржималар орқали етиб келган чет эл асарлари ҳам кўпинча қалбимизга жо бўлиб кетади. Уларнинг қаҳрамонлари (гарчи хорижликлар бўлса ҳам) худди эски таниш ё бир ошнодек бўлиб қолиши шубҳасиз. Бу ўша асарнинг, муаллифнинг катта ютуғидир.

Атоқли адибимиз Ўткир Хошимов асарларида бирор нотаниш қиёфани учратмайсиз. «Шамол эсаверади», «Баҳор қайтмайди», «Қалбингга қулоқ сол», «Дунёнинг ишлари»дан тортиб «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» деб номланган асарларигача бир хил жозибига эга. Адибнинг қайсики романи, қисса-ю ҳикоясини мутолаа қилманг, унинг қаҳрамонлари сиз учун ҳам «эски таниш»лардан бўлиб чиқаверади. Ие, бу аёл ўзимизнинг Онамиз-ку, фалончи эса — маҳалламиздаги ўша кишининг ўзгинаси, дейсиз. Наздингизда ўша таниш инсонлар — қаҳрамонлар маънавий оламини янада чуқурроқ англагандек, идрок этгандек бўлаверасиз. Истеъдодли устоз ёзувчимиз эса ҳаёт саҳнасидаги воқеа-ҳодисалар кандоқ бўлса, шундоқлигича — бадиий лавҳалар воситасида тасвирлайверади. Ҳар бир қаҳрамоннинг ички дунёси, ўй-фикрлари, кечинмалари аниқ-тиниқ, жозибали бир тарзда ёритилади.

«Тушда кечган умрлар» романи севимли ёзувчимиз Ўткир Хошимов ижодининг ўзига хос чўққиларидан бири бўлган. Унда халқимиз бошидан кечирган синовлар: иккинчи жаҳон уруши йилларидан тортиб, тоталитар тузум даври қатағонлари, афғон уруши оқибатлари, ўнлаб ҳамюртларимиз қалбидаги битмас жароҳатлар, яқин ўтмишда пайдо бўлган «Пахта иши», «Ўзбек иши» каби ғайришуурий гаплар ва унинг натижасида рўй берган фожиалар, замондошларимизнинг ажиб қисматлари, барбод бўлган орзу-умидлар, сўнган севги юлдузлари жуда қизиқарли ҳикоялар воситасида тасвирланган. Романнинг шаклу шамойили ҳам ўзига хос: кундалик дафтардан лавҳалар, суҳбатлар, тергов ҳужжатлари, эртаклар, хуллас, бир-бирини мазмунан тўлдириб, бойитиб борувчи ҳикоялар воситасида мақсадга эришилгандир. Ҳар жиҳатдан мукаммал чиққан роман иштиёқ билан ўқилиши шубҳасиз.

Ўткир Хошимов ижодининг яна бир муҳим қирраси — ростгўйлик. Ҳаётдаги икир-чикир гапларгача рўйи-рост ёзиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Асли замондошимиз бўлган баъзи «қаҳрамон»ларнинг асл қиёфасини рўйи-рост тасвирлашнинг ўзи жасорат.

Роман охирроғида шундай лавҳа бор: афғон урушида жароҳатланиб қайтган Рустам ўз юртида адолатсизликларга дуч келади. Бир умр меҳнат қилган отаси «Пахта иши» бўйича қамалган, уни қутқариш илинжида (аслида алданган ҳолда) оила бор бисотини сотган... Рустам қаерга адолат излаб бормасин, ҳамма жойдан ҳайдалган. Энг аянчлиси, уруш жароҳати уни нотавон қилиб қўйган... Бепуштгина эмас, ҳатто севгилиси Шаҳнозани лоақал бир бора бахтли қила олмаслиги аён бўлиб қолган... Бунинг учун ич-ичидан эзилиб, адойи тамом бўлган...

Оилавий жанжаллардан бирида Рустам бу дунёда ҳар қалай адолат борлигига ишора қилиб гапиради. Бу билан у шаҳар ижроқўмида уруш қатнашчиси сифатида навбатсиз бир ҳонали уй олганини айтмоқчи бўлади. Шунда Шаҳноза алам билан шундай дейди:

« — Қаҳ-ра-мон! — деди нафратли истеҳзо билан бош чайқаб. — Адолат қурашчиси... У қулоқ-бу қулоғингиз билан эшитиб олинг, агар адам исполкомдаги Степаничгами, гўрми-ерми, ўшанинг жиғилдонига беш мингни тиқмаса, мана шу товуқ катагиниям тушингизда кўрардингиз!»

Бу Рустамнинг сабр косасига томган сўнгги томчи заҳр эди.

Бир пайтлари юртимиздаги катта-катта лавозимларни эгаллаб олган ўша Степаничлар кимлар эди? Ўзларича «тартиб ўрнатиш» учун республткамизга алақаерлардан келиб, амалда порахўрликни авж олдирган, турфа жиноятлар содир этган кимсаларнинг кўрсатган кароматлари нима бўлди? Юртбошимиз жуда ҳаққоний таъкидлаганидек, Ўзбекистонни полигонга айлантиришга уринган кимсалар ўшалар эмасми? Романда уларнинг қиёфалари жуда ишонарли тасвирланган: «Унинг кулранг кўзларида бўриникига ўхшаш ўт ёниб кетди. Ҳа, мана, қайтдинг асл қиёфангга! Қурбонининг бўйнига ханжар ботираётган жаллоднинг кўзлари шунақа бўлса ажабмас!» Ўзбекистонимиз бошида қора булутлар айланган ўша йилларда Амбарцумян ва Петров бошчилигидаги гуруҳнинг жирканч кирдикорлари мазкур асарда росмана фош этилган.

Одамга алам қиладигани шуки, ёвуз ниятли кимсалар қаторида ўзимиздан чиққан «қаҳрамон»лар ҳам йўқ эмасди. Ёвуз Руҳ — Комиссарлар, бойвачча Расулевлар бисёр эди. Айниқса, Комиссар Соат Ғаниев образи ўқувчида ғалати таассурот қолдириши шубҳасиз. Миллатининг тайини йўқ бу кимса бир томондан шўрлик халқимиз бошига нене кўргуликларни солган бўлса, иккинчи томондан у ўша қонли тузум — совет жамиятига, коммунистик партиясига, НКВД аталмиш қўрқинчли ташкилотига ҳам вафо қилган эмас. Билъакс, ўша тузум қонунларини ўзи оёқости қилган. «Қонун номи билан...» дея бегуноҳ одамларнинг бошига етган, кўзига ёмонроқ кўринган инсонларга очиқчасига туҳмат қилган, боз устига, ўша иғвогарона гапини тасдиқлаш учун турли усулларни қўллаган, инсонийликка тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатлар қилган...

Асар қаҳрамонларининг катта-кичиги бўлмайди. Истеъдодли ёзувчи Ўткир Хошимов «кичик эпизод»да ҳам улкан образ яратади. Қисқа сатрларида бир дунё фикрини аниқ-тиниқ акс эттиради. «Тушда кечган умрлар» романидан бор-йўғи бир саҳифача ўрин олган Рўзимат ота ва унинг асранди ўғли Азаматнинг қисмати бунинг яққол мисолидир.

Бир бетимсол Туйғу бор бу оламда. У — Ватан туйғуси. Юртга бўлган чексиз муҳаббат туйғуси. Киндик қонинг тўкилган заминга меҳр туйғуси. Юзлаб, минглаб йиллар илгари яшаб ўтишган аждодларимиз ҳам шундай ажиб туйғулар оғушида бўлганлар, албатта. Илло, келажак авлодларга ҳам ҳаётнинг ана шу сеҳрли Туйғулари насиб этсин.

Бироқ, «Тушда кечган умрлар» романида бошқача қисматларни кузатасиз. Ватан туйғусидан мосуво қилинаёзган аянчли қисматлар. Ҳаётга ишончини йўқотган юраклар. Булар — Қурбонойлар, Шоматовлар оиласи, Эшоннинг авлодлари...

Ватан туйғуси не эканин англашга ожиз бошқа кимсалар ҳам бор. Комиссар, Гриша, Дималарда қалб борми, юрак борми? Ўзлари юраксиз бўлганлари боис бошқаларга зуғум қилмадиларми улар? Бу таниш қиёфаларнинг умрлари асли сароб эмасми? Кечаги ўтмишимиздаги қора доғлар шулар эмасми?

Шукроналар бўлсинки, юртимиз истиқлолга эришди. Йўқса, бу вахшийлар тағин қанақа қунарлар кўрсатиши мумкин эди?.. Роман замирида ётган энг улуғвор фикр шу!

«Тушда кечган умрлар» романи миллий истиқлол мафкурасига баракали хизмат қиладиган жуда салмоқли асар. Уни Алишер Навоий номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш ҳур фикрли адабиётимизга берилган муносиб баҳо бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Эркин УСМОНОВ,
Қибрай тумани.

«КАМОЛОТ» — ЁШЛАР ТАЯНЧИ

Давлатимиз мустақил бўлганидан буён замон ёшлар билан ишлашда янгича ёндашувни талаб этмоқда. Ана шу масала билан боғлиқ муаммолар ҳамиша Президентимиз ва ҳукуматимизнинг диққат марказида турди. Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармасининг тузилиши бунинг ёрқин далили бўлди.

Жамғарма халқ хўжалиги ва бошқа турли соҳаларда ишлаб келаётган 14 дан 35 гача бўлган ёшларни ўз сафига бирлаштирди. Улар ишчилар, фермерлар, ўқитувчилар, тадбиркорлар, шифокор, пахтакор каби касб эгалари бўлиши мумкин.

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, уларда чуқур билим, юксак маънавият ҳосил қилиш, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш вазифаларига хизмат қилади. Ишбилармонлик, тадбиркорлик ва омилкорлик учун қулай шарт-шароит яратади. Ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг конституцияси ва қонунлари, шунингдек ўз Низомига амал қилади. Ҳайрия-жамоат бирлашмаси ҳисобланган жамғарма ўз-ўзини мустақил бошқаради. У ўзини ўзи маблағ билан таъминловчи ноҳукумат жамоат бирлашмаси сифатида юридик шахс ҳуқуқига эга.

Вилоятимизда 2 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Жамғарманинг диққат-эътибори асосан аҳолининг ана шу қатламига қаратилгандир. Жамғармага нафақат ташкилотлар, ижодий жамоалар, балки, жамғарма фаолиятида кўмаклашишни истаган ҳар бир ёш инсон аъзо бўлиши мумкин.

1996 йилнинг 29 апрелидаги таъсис мажлисида Тошкент вилоятининг «Камолот» жамғармаси тузилди. Ҳозирги кунда жамғармамиз оёққа туриб олишдек мураккаб вазиятни бошдан кечирмоқда. Вилоятнинг 22 шаҳар ва туманларида жамғарманинг бўлинмалари вужудга келди. Ёшлар тарбияси ишимизнинг асосий мазмунини ташкил этмоқда. Бу йўналишда биз бундан буён ҳам нафақат ўқув муассасалари ва корхоналар билан, балки, ҳокимиятнинг барча бўлинмалари, меҳнат биржалари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаймиз.

Вилоят ҳокимлиги жамғармани қўллаб-қувватлашда катта амалий ёрдам кўрсатмоқда. Жамғарма Низом фонди маблағини вужудга келтиришда ҳам ҳокимиятнинг роли бекиёс бўлди.

Муассислар орасида жамғарма низом фондига биринчилардан бўлиб ўзига тегишли бадал қисмларни ўтказган «Тошкентвилоятгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва асраш вилоят қўмитаси, «Ўзпахтабанк»нинг вилоят бўлими каби ташкилотларни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

«Камолот» жамғармаси турли табақага мансуб ёшларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини ўрганиш юзасидан дастурлар тузиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш ишларида ҳам фаол қатнашмоқда.

Жумладан, яқинда жамғарма «Чимён-96» муаллифлик қўшиқлари оммавий фестивалининг ўтказилишида ташкилотчилардан бири бўлди. Чимён боғрида ўтказилган бу тадбирга нафақат Ўзбекистон, балки МДҲ мамлакатларидан ҳам кўплаб «Олтин овоз» соҳиблари ташриф буюрдилар.

Жамғармамиз ташкил этилганига кўп вақт бўлмаган бўлсада, анча ишларни қилишга улгурди. Унинг ҳаракат майдони жуда кенг ва қизиқарлидир. Ёшлар билан ишлашда янгича ёндашув йўлларини изламоқдамиз, танловлар, шоу-дастурлар, фестиваллар ташкил этиш каби тадбирларни ўтказаётганимиз бу соҳада ишни тўғри олиб бораётганимизни кўрсатмоқда.

Янгийўл шаҳрида вилоят соғлиқни сақлаш, маданият бошқармалари, ҳамда тиббиёт ходимлари вилоят касаба уюшмалари қўмитаси билан ҳамкорликда илк марта «Ҳамшира — 96» кўрик-танловини ўтказдик. Мазкур танловда Тошкент вилояти шаҳар ва туманларидан кўплаб ҳамширалар иштирок этдилар. Улар ўзларининг касбий маҳоратларини намойиш этишлари билан бирга, ҳар турли ҳаётий вазиятлардан чиқа олишларини намойиш этдилар. Муҳайё Аҳмедова барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, танлов ғолиби бўлди. Кейинчалик, бу қизнинг республика кўрик-танловида учинчи ўринни эгаллаганидан биз ҳам қувондик. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни етим болалар ва кам таъминланган оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш тадбири сифатида катта байрамга айланиб кетди. Шу куни Қибрайдаги спорт мажмуида вилоят ҳокимлиги ва бошқа жамоат ташкилотлари, корхоналар иштирокида жуда катта хайрия тадбирлари уюштирилди. Ҳомийларимиздан бири ҳисобланган «Тошинтерм» ўзбек-хитой қўшма корхонасининг директори С. Султонов шу куни болаларга совға-саломлар улашаётганда уларнинг бахтиёр чеҳрасидан нақадар шод эканликларини ўқиб олиш қийин эмасди.

«Камолот» жамғармаси ўзбек эстрадасининг ёрқин юлдузлари иштирокида катта шоу-дастурни ташкил этди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шаҳбоз Низомиддинов кўпчилик муҳлисларга яхши таниш бўлиб қолган санъатсевар фарзандлари билан, Қозоғистонда хизмат кўрсатган артист Азим Муллахонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Козим Қаюмов, «Офарин» танловининг ғолиби «Хўжа», «Тошкент», «Садаф» гуруҳлари ва бошқа бир қанча иқтидорли ёшлар мазмунли дастур намойиш этдилар.

Жамғарманинг илмий-маърифий фаолияти ҳам намунали олиб борилмоқда. Унинг Амир Темур қадамжолари бўйлаб уюштирилган тарихий жойларни суратга олишда иштирок этгани, фильм яратувчиларни молиявий томондан қўллаб-қувватлаб тургани ва ижодий гуруҳга барча шароитларни яхшилашда жамғарма ҳар томонлама ёрдам бераётганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Жамғармамизнинг Паркент туманида меҳнат биржаси билан ҳамкорликда биржа-ярмаркасини муваффақиятли ташкил этгани ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Яқинда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умумиинсоний қадриятларга ҳурмат, ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омилидир, дейилади мазкур фармонда. Ушбу фармон маънавият соҳасида олиб бораётган ишларимизни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида ёшлар ташкилоти бўлган «Камолот» жамғармаси зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Ана шу мақсадда жамғарма Президентимизнинг мазкур фармонида белгиланган тегишли тавсияларни чуқур ўрганиб, уни ҳаётга татбиқ этишни тезлатиш мақсадида ўз олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишга киришди.

Сарвармурод СОБИРОВ,
Вилоят «Камолот» жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи муовини.

Ғалла мустақиллиги учун

ВАҚТИДА ЭККАН ОЛАДИ

Куз яримлагани сари деҳқоннинг бир кўзи кўкда бўлса, бир кўзи даласида бўлиб қолди. Ишқилиб ҳавонинг авзойи бузилмаса, яна ақалли, беш-ўн кун қўйиб берсаю, ёғингарчилик бўлмай туриб ғалласини сочиб, шолисини ўриб, кечки экинларни саранжомлаб олса... Қуйичирчиқда дон экиш ғоят тез бораяпти. Бу иш учун ажратилган техника ва ишчи кучлари борки, экиш билан банд. Туман деҳқончилик-саноат уюшмаси мутахассислари шу ишга сафарбар қилинганлар. Ҳатто туман ҳокими Қамбарали Омоновни ҳам буғдой экилаётган пахта даласида, экиш сифатини текшириб, культиватор ва сеялкачилар билан суҳбатлашиб турганида учратдик.

— Бу йил давлатга 26 минг 860 тонна ғалла топширилди. Уруғлик ва аҳоли истеъмоли учун етарли миқдорда дон ҳам ғамлаб қўйилди, — деди ҳоким. — Режа бўйича октябрь ойининг биринчи ярмида 12 минг гектар майдонда уруғ сочишни тугаллаймиз. Фақат битта янгилик шуки, бу ғал 1313 гектар майдонни эгаллаган боғларга ҳам дон экяпмиз. Барча экин майдонлари 734 нафар ижарачи деҳқон-фермер хўжаликларига биркитилган. Уруғлик учун 3115 тонна дон дорилаб қўйилди. Ҳар гектар ерга 250 килограммдан уруғлик тушяпти. Айни пайтда гектарига 200 килограммдан аммофос ҳам солиб бориляпти.

— Ерни экишга тайёрлаш қай тарзда олиб борилди, — сўраймиз ундан.

— 6550 гектар очиқ майдонлар чуқур қилиб ҳайдалди. 5450 гектар майдонга жойлашган ғўза қатор ораларида эса аввал культиватор ўтказиб, сўнгра дон экиляпти. Шундан кейин қатор ораларидан яна бир марта культиваторлар ўтаётир. 42 та сеялка ва яна шунча культиватор ҳамда ўғитлаш мосламалари ўрнатилган тракторлар ишлашмоқда.

«Дўстлик» жамоа хўжалиги. Бу ерда 720 гектар майдонга дон экиляпти. Давлат Усмонов бошлиқ ғаллачилик бригадаси тузилиб, ана шу майдонлар унинг ихтиёрига берилган. Шу кунгача 300 гектардан ортиқ ерга уруғлик экиб бўлинди. Кеча-кундуз ишлаган 5 та трактор билан барча майдонлар ҳайдаб бўлинди, 3 та культиватор ва 2 та сеялка ғўза қатор ораларига уруғ ташлаб, айни пайтда ўғитлаб ҳам бормоқда.

— Эрта тонгдан кеч қоронғусигача экяпмиз, — дейди бригада бошлиғи Давлат Усмонов. — 20 гектарлик бу пахта далалари Вахоб Матўраев бошлиқ 9-бригадага қарашли. Пахтаси икки марта териб бўлинди. Буғдойни экиб бўлгач, эгатларга сув оқизиб суғорамиз. Бир ҳафтадан сўнг ер селгигач ҳосил йиғим-терими давом этаверади.

Сеялка осилган тракторни Бахтиёр Алимов бошқариб боряпти. Ижарачилар — Абдумўмин Паттаев, унинг ўғли Саъдулла Паттаев ва Адҳам Содиқовлар ҳам шу ердалар. Ҳар бири 8 гектардан майдонни ўз тасарруфига олган. Бу ижарачилар ҳар гектар ерга 250 килограммдан уруғ тушишидан кўз-кулоқ бўлиб туришибди.

«Ўжакент» жамоа хўжалиги раиси Узоқбой Мажидов билан ёзда, Қуйичирчиқ тумани ғаллакорларининг меҳнат муваффақиятига бағишлаб ўтказилган байрам тадбирларида танишган эдик. Ушанда туман ҳокими «Ўжакент» жамоа хўжалиги 630 гектар ердан 2325 тонна ҳосил олиб, давлатга режадагидан 180 тонна кўп ғалла топширганлиги, ҳосилдорлик 37 центнерга етганлигини эълон қилиб, раисни ўртага чорлаганида Узоқбой Мажидов ёнида ўн чоғли ғаллакорлар билан чиқиб келиб, ғолиблик совринини қабул қилиб олганди.

— Бу йил ғалла учун 500 гектар ер ажратдик, — деди Узоқбой Мажидов. — Барча пахтачилик бригадаларимиз ғаллачилик билан ҳам шуғулланадилар. Ихтиёр Мажидов, Йўлчи Дўсов бошлиқ бригадаларда экиш тугалланди. Улуғбек Умаров, Абдурахмон Қаюмов бошлиқ деҳқон-фермер хўжаликларининг ҳар бирида 20 гектар майдонга уруғ сочилди. Биз ҳам ҳар гектар ерга 250 килограммдан уруғлик сарфлашни, 200 килограммдан аммофос ўғити солишни шарт қилиб қўйдик. Октябрь ойи ниҳоясига етмай туриб, барча майдонлар қондириб суғорилади.

Келгуси йилнинг февралида ҳам яна бир марта сув бериб, озиқлантиришни режалаштирдик. Ана шунда ҳар гектар ердан камида 40 центнердан дон етиштириш мумкин.

Шу куни «Тошовул», «Юлдуз», «Гулистон» жамоа хўжаликларининг дон экилаётган майдонларида бўлдик. Ҳамма жойда меҳнат қайноқ. Ажратилган техника ва ишчи кучларидан самарали фойдаланиляпти. Негаки белгиланган муддат — 15 октябрь яқинлашмоқда. Туман ғаллакорлари ана шу кунгача дон экишни тамомлаб, хотиржам бўлиб олишмоқчи.

Рафиқ ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Суратларда: «Дўстлик» жамоа хўжалигининг Давлат Усмонов бошлиқ бригадасида пахта майдонларига дон экиляпти.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

Дил изҳори

ҚИШЛОҚЛАРГА ФАЙЗ КИРМОҚДА

КЕЧҚУРУНЛАРИ бўш пайтимда телевизор кўриб дам оламан. Мазмунли кинолар, театр, «Оталар сўзи — аклнинг кўзи» кўрсатувлари берилса, чарчоғим ёзилади. Президентимизнинг сўзларини ҳам мунтазам тинглаб бораман. У киши қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётини яхшилаш учун алоҳида жон куйдиряпти-лар. Дала меҳнаткаши хонадонида газ, ичимлик суви бўлсин, деҳқон сочини олдириш, кийимини тозалаш учун йўл босиб туман марказига бориб ўтирмасин, бундай хизмат яшаётган жойида ташкил этилиши керак, деяптилар.

Шу жиҳатдан олганда хўжалигимизнинг Эрмонҳожи ота Холмонов раҳбарлик қилаётган бошқарувга раҳмат демоқчимиз.

Ўтган йили мулк шакли ўзгариб, деҳқон-фермер хўжалигига айланганимиздан кейин бу ерда яшаётган аҳоли турмуши ўзгара бошлади. 120 хонадон истиқомат қилаётган хўжалик тўла газлаштирилди. Ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳам ҳал этиляпти.

Хўжалигимизда мингта қўй парвариш қилинмоқда. Менинг отаримда эса 400 бошдан кўпроқ қўй бор. Бу йил баҳорда насл олиш режасини бажардим. Қўйларни яхши парвариш қилиш билан бирга, лалми ерлардан қишлов ва келгуси йил учун ҳам табиий пичан жамғариб қўйдик.

Тўғай БЕГАЛИЕВ,
Паркент туманидаги «Хожиота» деҳқон-фермер хўжалиги чўпони.

Долзарб мавзу

БАЛИҚ ҒЎШТИ «АНҚО»НИНГ УРУҒИМИ?

«Ўзбалиқ» концерни ва «Балиқчи» балиқ саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари диққатига

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида балиқ ва ундан тайёрланган маҳсулотлар ниҳоятда тақчил бўлиб қолди. Уларни, ҳатто, дўконларда, умумий овқатланиш корхоналарида ҳам камдан-кам таклиф қилишади. Балиқ таомлари бозорларда, асосан, қўлда сотилмоқда, кўпинча уларнинг истеъмол учун яроқлилиги ҳам текширилмайди. Бу айрим кишиларнинг заҳарланишига сабаб бўляпти. Бундай аҳвол балиқ етиштириш, овлаш ва сотиш жараёнлари умуман назоратдан чиқиб кетганлиги оқибатида юзага келмоқда.

Вилоятимиздан балиқ заҳиралари бўлган қатор дарёлар оқиб ўтади, сунъий ҳавзалар, кўллар, балиқчилик хўжаликлари бор. Уларда балиқ овлаш ва бу пархез маҳсулотни сотиш қатъий тартибга солинмаган, кўп жойларда ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган, бошбошдоқлик каби ҳолатлар тез-тез учраб туради.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг фермойиши билан балиқ заҳираларидан фойдаланиш ва уларни сотишнинг аҳволи текширилганда бу соҳада катта-катта камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Текширишда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан биргаликда вилоят ички ишлар ва солиқ бошқармалари вакиллари ҳам қатнашдилар.

Республикамизда, шунингдек, вилоятимизда балиқ етиштириш ва балиқ маҳсулотларини тайёрлаш билан асосан «Ўзбалиқ» концерни корхоналари шуғулланади. Лекин, уларнинг кўпчилиги зиммасидаги вазифани уддалай олмаяпти. «Балиқчи» балиқ саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг Сирдарёдаги балиқ овлаш бригадаси фаолиятини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Аввало, шуни айтиш керакки, бу бригада зиммасидаги вазифани ниҳоятда қониқарсиз бажаряпти. Балиқ овлаш ва уни истеъмолчиларга етказиб бериш ҳажми кўпайиш ўрнига йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бригада мана олти йилдирки, белгиланган режани уддалай олмаяпти. Ҳар йили тутилган бундай маҳсулот миқдори ўрта ҳисобда 33 тоннадан ҳам ошмаяпти. Сирдарёнинг пойтахт вилояти қисмидан бир йилда фақат шундай оз ҳажмдаги балиқнинг тутилишига ишонгинг келмайди.

Бунинг битта асосий сабаби бор. У ҳам бўлса, балиқ тутиш устидан назоратнинг йўқлигидир. Оқибатда ушланган балиқнинг анчагина қисми гумдон қилинаётганлигини ким ҳам инкор эта олади. Овланган балиқнинг анчагина қисми ҳисобга олинмасдан қинғир йўллар билан бозорга чиқарилмоқда. Одатда уларни қўли эгри шахслар арзон-гаровга олиб, бозорларда қимматга сотмоқдалар. Ҳисобкитобларга қараганда улар ҳам бир килограмм балиқ учун 14 — 17 сўм тўлаб, икки баровар ва ундан ҳам ортиқроқ нархда пулламоқдалар.

Деҳқон бозорларига борсангиз, балиқларини сотиш билан шуғулланаётган шахслар кўпайиб бораётганлигининг гувоҳи бўласиз. Дўконларда эса у умуман кўринмайди. Бунинг устига балиқ савдоси йилнинг тўрт фаслида ҳам тинимсиз давом этаверади. Балиқлар увилдириқ ташлайдиган баҳорда овлаш муттасадди ташкилотлар томонидан таъқиқлаб қўйилади-ку. Лекин амалда унга риоя қилинмайди. Бу броконьерликнинг худди ўзгинасидир. Шундай вақтда ҳам мўмай даромад топиш ҳатти-ҳаракатидан қайтмайдиган ғаламислар кирдикорларини давом эттираверадилар.

Умуман бозорга балиқ турли йўллар билан етказиб берилади. Бу ишда балиқ овлаш бригадалари салмоқли мавқеъга эга бўлишлари лозим. Ҳозирча шунга эришилган дея олмаймиз. Аксинча, қинғир йўллар кўпайиб бормоқда. Одат бўйича бу ишда санитария талабларига риоя қилинмаяпти. Ҳатто йўл бўйларига қўйиб сотилмоқда. Ваҳоланки, ёзнинг жазирама кунларида уларнинг бузилмасдан сақланишини таъминлаш амалда мумкин эмас. Афсусланарлиси шундаки, мутасадди бўлган санитария эпидемиология идоралари ҳам балиқларни ташиб-сотиш жараёнини етарли назорат қилмаяпти, бу муҳим ишдан анча четлашиб қолган.

«Ўзбалиқ» концерни ва унинг корхоналари юқоридаги каби холларнинг олдини олиш учун амалий чоралар кўрмаяпти. Бу касб эгаларининг меҳнатини енгиллаштириш, манфаатдорлигини ошириш билан шуғулланиш, балиқчиларни энг зарур иш қуроллари — тўрлар, қайиқлар, шунингдек, бошқа зарур моддий-техника ресурслари билан таъминлашни унутиб юборишган чоғи. Ҳатто, овланган балиқ учун тегишли ҳақни вақтида тўламаяптилар.

Белгиланган тартиб-қоидаларга мувофиқ табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ҳақ давлат ҳокимияти ва бошқармаларининг маҳаллий идоралари бюждетига тўланиши керак. Бу республика қонунларида назарда тутилган. Бироқ амалда бунга риоя қилинмаяпти. Шундай қилиб бюджетга тушадиган маблағлар ҳам қўли эгри «тадбиркор»лар киссасига тушмоқда.

Республикамизда, шу билан бирга вилоятимизда балиқ нисбатан жуда оз миқдорда истеъмол қилинади. Жон бошига ҳисобланганда йилига килограммни ҳам ташкил этмайди. У жуда тансиқ таом ҳисобланади. Сердармондорлиги билан ажралиб туради. Шу томонларини ҳисобга олиб, балиқчиликни ривожлантиришга эътибор бериш керак. Бундай маҳсулотни кўпроқ етиштиришимиз лозим. Илгаригидек атрофдаги мамлакатлардан осонликча келтириб бўлмаслигини ҳисобга олиш зарур. Уни овлаш, ташиш ва сотишни тартибга солиш, балиқни арзон гаровга олиб, бир неча бор қимматга сотаётган нопок шахсларнинг пайини қирқиб ташлаш вақти келди.

Балиқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни тиклаш бўйича тадбиру чоралар кўриш, шунингдек бу қимматли озиқ-овқат маҳсулоти билан савдо қилишни тартибга солиш учун қилиниши мумкин ва бизнингча лозим бўлган айрим ишлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашмоқчимиз.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида балиқ овлаш билан шуғулланишда қатнашиш истагини билдирган корхона-ташкилотлар анчагина бор, лекин уларнинг ҳамасига овлаш ҳуқуқини бермаслик лозим. Бунинг учун улар ўртасида танлов ўтказишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шу тартибда танлаб олинган ташкилотлар билан ҳокимликлар ўртасида шартномалар тузиш, уларга табиатнинг бу ноёб ресурсларини овлашни тасдиқловчи ҳужжатлар бериш лозим.

Бу ташкилотлар ҳокимликларга ҳами билан ҳар чоракда бир марта ўз фаолиятлари ҳақида ҳисобот бериб туришларини мажбурий қилиб қўйиш зарур. Ҳисоботда муайян давр мобайнида балиқларнинг қайси туридан қанча тутилганлиги ҳамда сотилишини савдо корхоналари тармоғини кўрсатиш билан қайд қилиниши керак.

Бу пархез маҳсулот билан савдо қилувчи дўконлар шаҳобчаларини белгилаш ва бунда уларнинг оқилона жойлашган бўлишини ҳисобга олиш талаб қилинади. Бундай савдо нуқталарининг сотувчилар, балиқни сақлаш учун махсус идишлар, автотранспорт воситаси бўлишига эътибор бериш керак. Улар ҳамма санитария меёрлари талабларига жавоб берадиган бўлиши даркор. Айни вақтда балиқни сақлаш учун тегишли санитария шароитлари бўлмаган савдо корхоналари ҳамда айрим шахслар бундай маҳсулот билан савдо қилишини ман этиш керак.

Ҳозирги вақтда дарёлардаги балиқ заҳираларидан фойдаланганлиги учун маҳаллий бюджетга ҳеч қандай тўловлар тўланмаяпти. Бу ҳам тўғри эмас. Балиқ халқ бойлиги, уни тутиб пуллаётганлар даромаднинг муайян миқдорини Узбекистон қонунларида назарда тутилган тарзда давлат ҳисобига ўтказишлари шарт бўлиши керак. Келгуси йил бошидан бундай тартибни амалиётга жорий қилиш айни муддаодир.

Балиқни тутиш, ташиш ва сотишда ҳукм суриб келаётган ўзибўларчиликка барҳам бериш вақти келди. Айниқса, савдо ташкилотларининг янги тутилган балиқларни қабул қилиш ва сотишга нисбатан масъулиятини ошириш талаб этилади. Балиқ тутиш таъқиқланган даврда бундай савдо умуман бўлмаслиги лозим. Бунга эришиш учун ички ишлар, табиатни муҳофаза қилиш идоралари, солиқ қўмиталари ва санитария назирлиги балиқ савдосида белгиланган тартибга амал қилинишини мунтазам текшириб туриши лозим.

Янги тутилган дарё балиғи савдосининг замон талаблари даражасида бўлишига эришиш, бунда истеъмолчи эҳтиёжларини тўла ҳисобга олиш, барча ишларда қатъий тартиб ўрнатиш ва унга риоя этилишини таъминлашга эътиборни ҳар томонлама кучайтириш, бу муҳим ишда ғаламислик қилаётган нопок шахсларга нисбатан кескин чоралар кўриш керак. Айни вақтда балиқчиларнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлигини ошириш лозим. Фуқаролар дастурхонини балиқдан тайёрланган пархез сердармондорили таомлар безатиши, ундан кўпроқ ўрин олиши манфаатлари бу йўлда куч-ғайратни аямасликни тақозо этади.

Иван КУЛЬБАЦКИЙ,
Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари,
Мирсобир МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг иқтисодий шарҳловчиси.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● СЕУЛ. Сеул шаҳри апелляция суди ўлим жазосига ҳукм қилинган собиқ президент Чон Ду Хван ҳамда унинг издоши — 22,5 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган Ро Дэ Унинг жиноий ишини қайтадан кўришга киришди.

Маълумки, август ойи охирларида бу икки собиқ давлат арбоби 1979 йилда мамлакатда тарбибсизликлар уюштириш, талабалар қўзғолонини куч билан бостириш ҳамда порахўрликда айбланиб, тегишли жазо чораларига ҳукм қилинган эди. Лекин Чон Ду Хван ҳам, Ро Дэ У ҳам айбига иқрор бўлмай, «мамлакатни инқироздан олиб чиқиш ҳамда Шимолий Корея уюштириши мумкин бўлган ҳужумларни бартараф этиш мақсадида» шундай иш тутишга мажбур бўлганларини айтгани боис, мазкур ҳукм ижроси кечиктирилди. Ҳозир гувоҳлар қайта сўроқ қилиняпти.

● СТОКГОЛЬМ. Маълумки, Швециянинг «Пингстмишунен» деб номланган инсонпарварлик ташкилоти Зоирда касалхона очиб, бу мамлакат билан чегарадош Бурунди ва Руанда аҳолисига ёрдам кўрсатиб келаётган эди. Яқинда ана шу касалхонага қўпорувчилар бостириб кириб, қирғин уюштиргани маълум бўлди.

Швеция ахборот маҳкамаларининг хабар беришича, бу ишда Руандадаги «Тутси» қавми айбланмоқда. Чунки, касалхонада ётган беморларнинг кўпчилиги уларга душман бўлган «Хуту» қавмига мансуб кишилар эди.

● КАРАКАС. Венесуэлада мамлакат президенти Рафаэл Калдеранинг шахсий тикувчиси Бернардино Карлоне ҳибсга олинди. У ғайриқонуний равишда катта миқдордаги гиёҳвандлик моддаларини сақлаганликда айбланмоқда.

Қизиғи шундаки, «Шарафли» лавозим билан бирга, мусодара қилинган автомашиналар паркининг бошлиғи ҳам бўлган Б. Карлоне гиёҳвандлик моддаларини паркдаги цистерналардан бирида сақлаган. Бир неча кун аввал унинг қўли остида ишлайдиган ишчилардан бири цистернанинг фавқулодда тез тўлишини сезиб қолган ва бу ҳақда дарҳол полиция маҳкамсига хабар қилган. Натижада унинг ичидан 300 килограмм марихуана ва 170 килограмм кокаин топилди.

(ЎзА).

ЯДРОВИЙ ҚУРОЛЛАР ТАРИХДА ҚОЛСИН

«ЯДРОВИЙ қурол» деган сўзларни эшитавериб, ўрганиб қолганмиз. Лекин, аслида бутун башариятга беқиёс ҳавф солувчи, инсониятни умуман ғарот этишга қодир баайни ана шу қуролдир. Атом бомбалари тарихда биринчи бор Хиросима, Нагасаки каби шаҳарлар устига ташланган 1946 йилдан буён жаҳон жамоатчилиги ушбу ялпи қирғин қуролларига қарши курашиб келмоқда. Ер куррасининг турли қитъаларида сўнгги пайтларгача уларни синаш ишлари давом этиб келди. Ва, ниҳоят, яқинда — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 51-сессиясида ядровий қуролларни батамом йўқотиш ва уларни синашга барҳам бериш сари жиддий қадам қўйилди.

Эндиликда шундай вақт келдики, бу мудҳиш воситага эга бўлган энг йирик давлатларнинг ўзлари оммавий қирғин қуролини йўқотиш ва уларни синашни таъқиқлаш тўғрисидаги ташаббус билан чиқдилар. Ядровий давлатлар бошқа барча мамлакатларга мурожаат этиб, «ядровий дастурларимизни йўқ қилишда бизларга қўшилинглар» деган шиорни майдонга ташладилар. Бир неча ой муқаддам қуролсизланиш бўйича Женева Конференциясининг иштирокчилари бўлган 38 мамлакат ядровий қуролларни йўқотиш бўйича умумжаҳон шартномаси тузиб, барча давлатларни унга имзо чекишга чақирдилар.

Охир-оқибат ана шундай шартнома юзага келди. БМТ Бош Ассамблеясининг юқоридаги сессиясида дастлаб ана шу аҳднома муҳокамага қўйилди. Унга биринчи бўлиб АҚШ президенти Б. Клинтон, кейин Россия ташқи ишлар вазири Е. Примаков имзо чекдилар. Бошқалар уларга эргашди. БМТга аъзо бўлган аксарият ҳамма давлатлар вакиллари шу тариқа шартномага қўшилганликларини намойиш этдилар.

Бу хабарни эшитган бутун дунё афкор оммаси енгил нафас олди. «Ядровий қурол», «Атом бомбалари» деган иборалар шу алфозда тарих бўлиб қолди. Айни кунларда жаҳондаги барча оммавий ахборот воситалари бу қувончли воқеани кенг муҳокама қилмоқдалар.

ВОҚЕАЛАР ТЎЛҚИНИДА

● РФнинг юқори палатаси — Федерация Кенгаши таътилдан кейинги ўзининг биринчи мажлисида Чеченистондаги инқироз масаласини муҳокама қилди. Унда мудофаа кенгаши котиби Ю. Батурин, ФҲҲ бошлиғи Н. Ковалев, ички ишлар вазири А. Куликов, бош прокурор Ю. Скуратов ва бошқа юқори мартабали расмий кишилар қатнашдилар. Мажлиснинг ярми очиқ, ярми ёпиқ тарзда ўтди. Бельгияда бўлган Ҳавфизлик Кенгаши котиби А. Лебедь йиғилишга етиб келолмади. Айни шу масала яқинда РФ Давлат думасида ҳам муҳокама этилади.

● НОЯБРЬ ойининг бошларида бўладиган президентлик сайловларида ўз номзодларини қўйган Б. Клинтон билан Р. Доул ойнаи жаҳон орқали ўзларининг биринчи телемунозараларини ўтказдилар. Шарҳчиларнинг фикрича, унда Б. Клинтон устун келди.

● ГУРЖИСТОН президенти Э. Шеварднадзе журналистлар билан бўлган мулоқотда шундай деди: Россия Гуржистоннинг худудий чегараларини тиклаш ва бутунлигини сақлаб қолишга ёрдам берган тақдирдагина унинг ҳарбий базалари ушбу мамлакат худудларида қолади.

● ЯҚИНДА Арманистондаги президентлик сайловларида муваффақиятсизликка учраган номзод В. Манукян овоз бериш натижаларидан норози бўлиб, конституцион судга мурожаат қилган эди. Бундан хабар топган ғолиб Л. Тер-Петросян мен мазкур суд ҳукмига бўйсунаман, деб айтди. Лекин, В. Манукян ва унинг тарафдорлари одамларни сайланган президентга қарши гиж-гижлаш учун барча турдаги митинглардан, мажлислардан, йиғинлардан, ҳатто, футбол ўйинларидан фойдаланмоқдалар.

● ТАГАНРОГ шаҳрида божхона ходимлари Чеченистон раҳбари З. Яндарбиевнинг Украинада чоп этиб келтирилаётган 500 нусхадаги асарини мусодара қилдилар. 495 саҳифалик бу китобни маъмурлар Россияни парчалаб юборишга ва миллатлараро келишмовчиликни тарғиб қилишга қаратилган, деб баҳоладилар.

ҚЎЛ ҚИСИШЛАР САМИМИЙМИКИН?

ЎТГАН ҳафтада Қуддус (Иерусалим) шаҳридаги яҳудийлар билан фаластинликларнинг тарафба-тараф олишувлари, сал бўлмаса, катта жангга айланиб кетаёзди. У ерда бўлган ҳодисалар хусусида газетамизда тўлиқ ахборот берилган эди. Муштарийларимиз тахририятга кўнғироқ қилиб, можаронинг кейинги тафсилотлари билан қизиқмоқдалар.

Бир қанча одам қурбон, аллақанча киши ярадор бўлганидан сўнг тўсатдан тўполон бироз босилди. Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнининг асосий ҳомийларидан бири бўлган АҚШ раҳбарлари фурсатдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилдилар. Президент Б. Клинтон Исроил бош вазири Б. Нетаньяху ва Фаластин мухториятининг раиси Ё. Арофатни дарҳол юзма-юз учрашиш учун Вашингтонга келишларини таклиф қилди. Улар рози бўлдилар. Шунингдек, Урдун қироли Ҳусайн ҳам АҚШ пойтахтига бориш истагини билдирди. Лекин, Миср президенти Мубарак таклифдан воз кечди.

Икки кунлик тиғиз музокаралар осон кўчмади. Бироқ, 36 соатлик мубоҳасаларнинг оқибатидан ҳамма томон бир қадар таскин топди. Б. Нетаньяху билан Ё. Арофат Оқ уйнинг Рузвельт хонасида табассум билан бир-бирларининг қўлларини сиқдилар, бир-бирларини «дўстим» деб атадилар. Ўзларининг ихтилофларини ҳал этишда куч ишлатмасликка тайёр эканликларини билдирдилар.

Аммо, Хеврон масаласидаги фикр алмашувлар ижобий яқун топмади. Гап шундаки, бу ерда турган ҳарбий қисмларини Исроил март ойида олиб чиқиб кетиши ва бу худуд Фаластин тасарруфига ўтиши лозим эди. Бироқ, июнь ойидаги бош вазир сайловлари, Б. Нетаньяхунинг «Тинчлик ерга алмаштирилмайди» деган шиорни олға сурганлиги, Хевронда истиқомат қилаётган 400 яҳудий оиласининг норозилиги боис аскарларни олиб чиқиб кетиш жараёни чўзилиб кетди. Демак, бу муаммо бундан кейинги музокараларнинг ҳам асосий мавзуси бўлади.

Шунингдек, юқоридаги учрашувда Қуддус (Иерусалим) мақоми билан боғлиқ масалалар ҳам шунчаки тилга олиб ўтилди. Бундай бўлиши табиий эди. Чунки, бу шаҳарни Исроил мамлакатларининг абадий ва бўлинмас пойтахти деб эълон қилган. Ваҳоланки, мазкур шаҳар ер юзи мусулмонлари учун ҳам учинчи байтуллоҳ ҳисобланади. Зотан, бу ерда ал-Ақса масжиди барқарордир.

Қуддус, Хеврон, Рамаллоҳ, Ғоза минтақалари... Уларнинг устида ҳали кўп маш-машалар бўлади. Ўртадаги чигал ўнлаб муаммолар ўз ечимини кутмоқда... Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёни кеча бошлангани йўқ, у эртага ҳам, табиий, тугамайди.

Сўнгги кунларда АҚШ давлат котиби У. Кристофер Африка қитъаси бўйлаб сафари олдидан Иерусалимга келди ва Исроил ҳамда Фаластин раҳбарларининг навбатдаги мунозараларида «қозилик» қилди. Сўнгра Ё. Арофат Исроилга ташриф буюриб, президент Зейцман билан мулоқотлар олиб борди. Фикр алмашувларда исроилликлар ва фаластинликлар яхши қўшнилардай тотув яшашлари керак, деган гўмонли таҳминларни айтишдан ҳам тоймаётирлар.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

● ТЎҚҚИЗ йил муқаддам Қоҳира метросининг 42 километрлик биринчи йўналиши ишга туширилган эди. Ўтган ҳафтада эса унинг саккиз километрлик иккинчи тармоғи фойдаланишга топширилди. Янги йўл Миср пойтахтини шимолий ҳудуддаги сераҳоли Шабра минтақаси билан боғлади. Ҳар иккала тармоқ Рамзес майдони бекатида кесишди.

● ҲУКУМАТ қўшинлари ва УНИТА партизанлари қисмларидан ҳарбий хизматдаги 11 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар аскарликдан уйларига бўшатила бошландилар. Бутун Ангола бўйлаб жами 100 мингдан зиёд «болакайлар» ўз ота-оналари бағрига йўл оладилар.

● ТЕРГОВДА бўлган Тодор Живков набирасининг Софиядаги шаҳар манзилгоҳида таваллудининг 85 йиллигини нишонлади. 35 йил давомида мамлакатни бошқарган Болгария Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи котиби ўз эсдаликларининг иккинчи китобини одамлар пулсизлиги боис сотиб ололмаётганликларидан нолиб гапирди. У қишда бўладиган сайловларда ўз номзодини қўймоқчи эмаслигини айтди. Сабаби — қаричилик...

● МАШҲУР футболчи Пеле яқинда эгизак чақалоқларнинг отаси бўлди. Гўдаклар муддатидан илгари дунёга келдилар. Уларни онанинг қорнини кесиб олишди. Ҳар бир чақалоқнинг вазни 1,3 килограмм. Ўғил болага Жошуа, қизчага — Селесте деб, исм қўйдилар.

● НЕПАЛНИНГ энг узоқ худудларидан бири бўлган — Съангяга 11 нафар қуролланган мерган аскарлар гуруҳи жўнатилди. Улар кейинги кунларда 3 ёшдан 14 ёшгача бўлган саккиз нафар болани нобут қилган «одамхўр» сиртлонни отиб ўлдиришлари керак.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

12-13 октябрь кунлари Пискент автополигонида Ўзбекистонда ва айни пайтда Марказий Осиё минтақасида илк марта Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб халқали автопойга мусобақалари бўлиб ўтади

ЎЗБЕКИСТОН, умуман Марказий Осиё минтақасида автомобил халқали пойгаси алоҳида тур сифатида бирон марта ҳам ўтказилмаган. 1996 йилнинг май ойида «Олимп» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси томонидан ташкил этилган «Ғалаба-51» автораллисида халқали пойга мусобақалари алоҳида қўшимча тезлик тоифасида ўтказилганди.

12-13 октябрь кунлари Пискентдаги умумий узунлиги 120 километр бўлган «Жанубий» автополигонида илк бор халқали пойга бўйича автомобил спорти мусобақалари бўлиб ўтади. Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган мазкур мусобақанинг мутасаддилари, қатнашчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида матбуот йиғилиши бўлиб ўтди.

— Халқали пойгалар илгарилари бирон марта ҳам Осиё минтақаларида ўтказилмаган эди, — дейди «Олимп» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси вакили, бевосита тадбир ташкилотчиси ва мусобақа иштирокчиси ҳисобланган Сергей Мукурдумов. — Автоспортнинг бу тури шуниси билан қизиқарлики, томошабин унинг бутун кўрку-завқини бевосита ўзи кузатиб туради. Мусобақаларда 38 тагача машиналар старт олади. Республикамизнинг турли вилоятларидан келган энг яхши 25 нафар автоспортчилар билан бирга меҳмонлардан Русиядан — 3 та, Қозоғистондан — 5 та, Туркманистондан — 5 та спортчи иштирок этиши кутилмоқда.

— Биз Сергей Мукурдумов билан бирга кўп йиллар давомида автоспорт бўйича республика шаънини ҳимоя қилиб келганмиз, — дейди мусобақа бош ҳаками Виктор Весневич. — Қурилиши 1985—1988 йилларда бошланган иттифоқ аҳамиятидаги мазкур автополигон кейинчалик чала ҳолда ташлаб қўйилган эди.

Автополигон директорининг саъй-ҳаракати туфайли сўнгги йилларда бу ерда анча самарали ишлар амалга оширилди. Собиқ иттифоқда атиги бир нечтагина ана шундай полигонлар мавжудлигини таъкидлаб ўтишимиз жоиз.

— Энди, бевосита мусобақалар ҳақида тўхталадиган бўлсак, — дейди автопойга техник комиссари В. Шин, — 12 октябрь куни двигателининг иш ҳажми турли классда бўлган 30-35 та машиналар мандат комиссияси кўригидан ўтказилади. Якшанба 13 октябрь куни соат 10.00 да мусобақанинг тантанали очилиш маросими, сўнг автомобилларни пойгага тайёрлаш мақсадида назорат тариқасидаги синов ҳайдовлари ўтказилади. 12.00 да эса гуруҳий пойгага старт берилади. Спортнинг бу турига қизиққан барча муҳлисларни таклиф этар эканмиз, «келинг, зўр томошадан мириқиб завқланинг», деб қоламиз. Мусобақа иштирокчиларини эса «Шелл интернэшнл Петролиум Компани ЛТД» фирмасининг ажойиб совғалари кутмоқда. Бу ҳақда фирма вакили А. Халилов ахборот берди.

Мусобақани томоша қилиш иштиёқида бўлган ҳамшаҳарларимизга шуни эслатиб қўямизки, якшанба куни соат 8.00 да Халқлар дўстлиги саройи ёнидан Пискентдаги автополигонга ҳомийлар томонидан ташкил этилган автобус жўнайди.

Жалол АЛИЕВ.

ҲАФТАЛИК TV Тошкент ҳақиқати TV КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 14

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».

8.30 «Кўнгил тароналари».
9.00 «Нафосат шайдолари». Кинодастур.
9.30 «Дўстлик риштаси».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
10.35 «Жараён». Публицистик кўрсатув.
11.05 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Буюк Ипак йули. Нурота», «Қуёш шаҳри».
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.00 «Кўкук сабоқлари».
12.25 «Буланка» меҳмонхонаси». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «Менда фикр бор».
18.50 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.10 Биржа ва банк хабарлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.

19.55 **«Темурнома».**

20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Чаманнорингдан». Концерт.
21.45 «Вақт».
22.00 «Морена Клара». Телесериал.

22.45 **«Мозийдан садо».**

23.05 «Фақат қизлар учун».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
00.40 Тунги тароналар.
00.05 — 00.15 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Палитра».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон».
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 « Мак ва Матли».
21.30 «Курьер».
21.50 «Ғраим-тайм». Телевидение ҳаётидан.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.30—00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Самарқанд». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси 18.10 — 20.35

20.35 «Адиба Шарипова чалади». Телефильм.

Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 Болалар учун кўрсатув.
19.35 «Чирок».
19.45 «Дайди тўтининг сайри». Мультфильм.
19.55 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.15 Эълонлар.
20.20 «М»-хабар.
20.30 Автореид.
20.40 «Шлягер».
20.50 «Кимга — қанака».
21.35 Тунги сеанс. «Садоқат» (Хиндистон). 1-серия.
22.55 «Аёл».
23.25 «Спорт-тайм».
23.55 — 00.05 «Ҳайрли тун!».

СЕШАНБА, 15

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Менда фикр бор».
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Нонинг бутун бўлсин, элим».
9.20 Биржа ва банк хабарлари.
9.35 Болалар учун. «Ок рух».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Замин фидойилари». Телеочерк.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Тасвирий санъат.
11.00 Инглиз тили.
11.30 «Бола бошидан...» Мактабгача тарбия масалалари.

12.05 «Камондаги қалб». Мусиқий дастур.
12.35 «Йўқолган гувоҳ». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиатшунослар клуби».
18.30 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.

19.55 **«Темурнома».**

20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.40 «Альманах-ТВ».
22.00 «Дурдона».
22.35 «Замон».
22.45 «Спорт, спорт, спорт».
23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.20 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Олтин кент».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 «Доиче Вейле» тақдим этади.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигох».
23.50 —00.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Винни-пух». Мультфильм.

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

18.10 — 20.35

20.35 «Эсдалик учун дастхат».

Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун». Болалар учун ахборот-дам олиш кўрсатуви.
19.20 Шифокор билан мулоқот.
19.50 «Дипқурьер».
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Соликлар ҳақида сабоқлар».
21.10 Эълонлар.
21.15 «16 вилоят». Немис тилида шарҳ. Ўзбекистонда Германия маданияти кунларига бағишланган кўрсатув.
21.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.10 «Қоллаж».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Кўркам сакура».
23.10 «Жилет-спорт».
23.40 «Доктор Жулия ва миссис Хайдо». Телесериал.
00.05 — 00.15 «Ҳайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 16

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 «Мусиқий саёҳат».
8.45 «Альманах-ТВ».
9.25 «Аёл бахти». Кинокўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Юксалиш». Публицистик кўрсатув.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Алифбо сабоқлари».
11.30 Чанг тароналари.
12.05 «Хазинамиз таянчи».
12.40 «Ажойиб ҳаёлпараст». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Чамандаги гулларимиз».

18.25 **«Бу ёруғ оламда Ватан битдадир...»**

18.30 «Замон билан ҳамнафас».
18.45 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларнинг телефестивали.
19.05 «Саиёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.

19.55 **«Темурнома».**

20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.25 «Талқин. XX аср».
21.50 «Морена Клара». Телесериал.
22.35 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.50 «Автоолам».
23.05 «Рангин дунё».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «МХСК».
00.40 Тунги тароналар.
00.50—01.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Уйинчоқлар дунёси».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё буйлаб...»
20.10 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 «Доиче Вейле» тақдим этади.
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.25 — 00.25 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Қушлар қузи». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

18.10 — 20.35

20.35 «Бал рақси санъати».

Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «ТВ IV канали эксклюзиви».
19.40 Қалб тароналари.
20.05 «Маънавият сарчашмалари».
20.35 Эълонлар.
20.40 «Тошкент оқшомида».
21.20 «Марҳаба».
21.50 «Ташриф»лар ва таклифлар».
22.20 «Бу ажиб дунё».
22.40 «Бизнес мирас».
23.10 «Тошкентнома».
23.40 «Юлдузлар жилоси».
00.05 Эълонлар.
00.10 — 00.20 «Ҳайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Буюк келажак сари».
8.55 «Ер сенсиз». Киноконцерт.

9.15 **«Аждодларимиз мероси».** Публицистик кўрсатув.

9.45 «Икки кучукчанинг саргузашти». Мультфильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Эҳтиёт бўл, болажон!».
10.20 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.50 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларнинг телефестивали.
11.10 «Бошсиз чавандоз». Бадиий фильм.

12.45 **«Маърифат» видеоканали.**

14.00 — 14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қатта таниффус».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Аввал иқтисод...»
19.00 Дилнавоз садолар.
19.05 «Ишончга асосланган ҳамкорлик».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.15 Дилнавоз садолар.
21.25 «Мутоиба». Пайшанба ҳазиллари.
21.35 «Одобнома».
21.45 Олтин мерос. Ў. Умарбеков. «Қиёмат қарз». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. Бош роли Халқ артисти Ш. Бурҳонов ижро этган.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» — «Атласчи».
00.40 Тунги тароналар.
00.50 — 01.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Дармон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.15 «Бизнес-уик».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигох».
23.50 — 00.40 «Спорт қитъаси».

III

17.45 Янгиликлар.
17.50 Эълонлар.
17.55 «Оддий кун». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

18.05 — 20.35

20.35 «Шохсупа сари йўл».

Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.20 — 22.25 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Сахий хонадонда».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Шаҳрим — фахрим».
21.25 «02 тўлқинида».
21.40 Эълонлар.
21.45 «Каталог».
22.00 «Эколот-коктейль».
22.30 «Компьютер-ревю».
22.55 Данджири фестивали. «Кўринг — ишонч ҳосил қилинг».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Доктор Жулия ва миссис Хайдо». Телесериал.
23.55 — 00.05 «Ҳайрли тун!».

ЖУМА, 18

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 «Юзма-юз». Мулоқот.
8.45 «Пойтахт концерт залларида».

9.15 **«Кўҳна тарих».** Кинодастур.

9.45 Футбол шарҳи.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Мулжал». Публицистик кўрсатув.
10.35 Немис тили.
11.05 «Кичкинтоймиз—гиекингтоймиз».
11.25 «Фермер». Тележурнал.
11.55 «Бурилиш». Бадиий фильм.
13.30 «Кичкинтой» устахонаси.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30 «Синфдош».
18.50 Бизнес ҳафта якунлари.
19.00 «Тақдим».
19.05 «Ингит омон бўлса».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар

19.55 **«Темурнома».**

20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Ривоят».
21.30 «Эртага — шанба».
21.50 «Таниш ва номаълум».
22.10 «Оҳанглар оғушида».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Соғлом авлод учун».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Бизнес ҳафта якунлари.
00.05 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мульти-пульти».
9.20 «Таманно».
9.30 Дилором наволар.
9.40 Мулоҳаза учун мавзу.
10.00 Видео янгиликлари.
10.20 Видео — «О».
12.00 — 14.00 «Спорт қитъаси».

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 Кинохроника.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Уйинчоқлар растаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 «Камолот».
22.20 Хит-парад ва Эълонлар.
23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.50 — 00.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Уюрга қайтиш». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

18.15 — 20.35

20.35 «Мусиқа ҳамма учун».

Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 — 22.35 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Қизиқарли вокеалар.
19.25 «Билиб қўйган яхши».
19.50 «Утмишсиз келажак йўқ».
20.20 «Юлдузлар жилоси».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Кафолат».
21.35 «Мусиқий меҳмонхона».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Истеъдодлар ва мухлислар».
22.35 «ТВ IV да «Немис тўлқини».
23.05 Эълонлар.
23.10 Араб эстрадаси.
23.40 — 23.50 «Ҳайрли тун!».

ШАНБА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм.

«Ешлик» студияси намойиш этади:

10.20 «Мен ёшликман».
10.50 Ешлик ҳабарномаси.
11.00 «Бахс».
11.20 «Шоҳрух» клуби.
11.50 «Аёл борки, олам мунаввар». Публицистик кўрсатув.
12.20 «Яшил чирок». Телетанлов.
13.05 Эстрада қўшиқлари.
13.35 — 14.35 «Эл ардоғидаги санъаткор». Ўзбекистон халқ артисти Ф. Раҳматова.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.20 «Олам».

18.35 **«Мактуб».**

18.50 «Сиз севган қўшиқ».

19.05 **«Табаррук қадамжолар».** 1-кўрсатув.

19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Оҳанглар оғушида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».

21.20 **«Ҳайрат».**

21.35 «Азиз сиймолар». Халқ артисти Аббос Бакиров.
21.55 «Оҳанглар о

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига

ТАРАДДУД

УЛУҒ СОҲИБҚИРОН таваллудининг 660 йиллиги жаҳон бўйлаб кенг нишонланишига ҳам оз фурсат қолди. Юртбошимиз: «Бу оддий байрам эмас, тарихимиздаги буюк санадир...» — деган эдилар. Дарҳақиқат ҳозирда мамлакатимизнинг вилоят ва шаҳарларида бу катта тўйга атаб катта ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ангрен шаҳрида бўлганимизда, улуғ санага муносиб тайёргарлик кўрилаётганининг шоҳиди бўлдик. Шаҳар маданият ишлари бўлими мудири, Ўзбекистон маданий-маърифий ишлар аълочиси Оқилхон Эшончаев билан қилган суҳбатимиз ҳам шулар хусусида борди.

— Шаҳар ҳокимлигининг бевосита раҳбарлигида маданият бўлимининг улуғ санага атаб амалга ошираётган ишлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Шаҳарда Соҳибқирон юбилейини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик ўтган йили аниқ режалар асосида бошлаб юборилган эди. 1996 йилнинг — Амир Темур йили деб эълон қилиниши бизни тўлқинлантириб юборди. Айни чоғда, юксак масъулият хиссини ҳам юклади.

Шаҳримиздаги маданият уйлари, кутубхоналар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мусиқа мактаблари, бадиий жамоалар, музей ва тасвирий санъат кўргазмаси ходимлари бу борадаги тадбирларнинг аниқ режаларини тузиб, шу асосда қизғин фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Жумладан, шу кунгача кўплаб илмий анжуманлар, шеърият кечалари, китобхонлар конференциялари, махсус концертлар, турли кўчма китоблар ва тасвирий санъат кўргазмалари, танловлар ва бошқа ўнлаб тадбирлар ўтказилди, ҳамда ўтказилмоқда. Айниқса, «Темур ўғитлари», «Биз ким-мулки турон», «Амир Темур юксак қадриятимиз», «Ҳамиша ёд этажакмиз, улуғ бобо», «Амир Темурнинг тарихда тутган ўрни» ва бошқа номдаги ўнлаб тадбирлар ҳамшаҳарларимиз томонидан илиқ кутиб олинди.

— Республикамизда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ишларига жиддий эътибор билан қаралмоқда.

Бу эса ижтимоий ҳаётимизда катта аҳамият касб этиши шубҳасиз...

— Нима демоқчи эканлигингизни тушундим. Юртбошимизнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарлари билан учрашиб, уларнинг олдига аниқ вазифалар қўйганидан, маънавиятни юксалтириш ҳақида фармон чиқарилганидан жуда мамнун бўлдик. Шаҳримизда бу масалаларга эътибор янада ошди.

Ҳокимликнинг саъй-ҳаракати, бизнинг ташаббусимиз билан Ҳамза номидаги мусиқа мактаби чеккадаги эски бинодан, марказдаги ҳашаматли бинога кўчирилди. Эндиликда замонавий асбоб-анжомлар билан безатилган, барча қулайликларга эга бўлган, кенг ва ёруғ хоналарда ўқувчи ёшларимиз ҳар томонлама чуқур билим олишни бошлаб юбордилар.

Шу кунларда мусиқа мактабининг ўқитувчи ва ўқувчилари улуғ Соҳибқирон тўйига тўёна сифатида махсус концерт дастури тайёрламоқдалар. Яқинда улар марказий маданият уйида шаҳримиз аҳолисига «Дилимизда, тилимизда буюк Соҳибқирон» номли ҳисобот концертини намойиш этдилар.

— Улуғ санага бағишлаб кутубхоналар тизимида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Китоб — билим манбаи дейдилар. Ўзини маданиятли, зиёли ҳисоблаган ҳар бир инсон китоб билан дўст бўлади. Юксак маънавият соҳиби бўлиш учун ҳам, ҳар томонлама илимли бўлиш керак. Шу маънода марказий кутубхона ва унинг шаҳобчаларида юбилей муносабати билан «Амир Темур ҳаёти ва фаолияти», «Соҳибқирон маданият ҳақида», «Улуғ бобомизнинг ёшларга васияти», «Амир Темур замондошлари наздида», «Соҳибқирон ва замонамиз» номли ўнлаб мавзуларда, турли кўчма кўргазмалар, китоб токчаси, деворий газеталар, танловлар, илмий-амалий анжуманлар, суҳбатлар ташкил қилинди.

Хабарингиз бор, шаҳримизда турли миллат ва элат вакиллари яшайдилар. Улар ҳам бир ота-онанинг фарзандларидек, бу каби тадбирларда фаол иштирок этмоқдалар. Ўз она тиллари билан бир қаторда, ўзбек тилида ҳам Соҳибқирон ҳақида шеърлар ёдлаб, турли хил анжуманларда қўшиқлар ижро этиб, саҳна кўринишлари намойиш этмоқдалар...

— Ҳақиқатдан ҳам, ўзим рус, корейс ва бошқа миллатга мансуб йигит қизларни ўзбек тилида гапириб, шундай тадбирларда жон диллари билан фаол иштирок этаётганликларини кўрдим.

— Ўттиз йилдан буён шу касбда меҳнат қилиб келмоқдаман. Бир нарсага иймон келтирдимки, ҳақиқий инсон, қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар, киндик қони тўкилган ерга меҳр қўяр экан.

Юқорида сиз гувоҳ бўлганларингиз, ана шу меҳрдан юзага келган десам хато бўлмас. Бошқа миллат фарзандининг ўзбекча гапириши, шеър айтиши, роль ўйнаши бизда одатий бир ҳолдир.

Бир мисол келтирсам. «Шанс» шоу балет дастасида 20 га яқин қатнашчи бор бўлиб, улар турли миллат йигит-қизларидир. Даста аъзоларининг баъзилари талаба, қўллари ишчи! Улар яқинда республикамизнинг мустақиллик байрамида пойтахтимизда муваффақиятли қатнашиб келишди. Биласизми, улар ўз ташаббуслари билан Амир Темур бобомизнинг тўйига махсус концерт дастури тайёрлашди, кўриб жуда хурсанд бўлдик. Энг қизиғи шундаки, улар бир нечта «Ўзбекча», «Арабча», «Ҳиндча», «Тожикча», «Татарча», «Мустанге» ва бошқа рақсларга мос бўлган либосларни ҳам ўзлари қўлларида тайёрлашган.

— Кўпинча хизмат сафари билан жойларга чиққанимизда, маданият ходимлари «унимиз йўқ, бунимиз йўқ», — деб турли муаммоларни кўндаланг қўйишади. Сизларда нега унақа эмас? Бу борадаги тажрибаларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.

— Ишлаган имкон топади, дейдилар. Бизнинг олдимизга халқимизнинг маданий савиясини, маънавиятини ошириш, ўстиришдек муқаддас вазифа қўйилган экан, имкон қадар, виждонан, ҳалол, масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда ишлашимизга тўғри келади.

Биз тасарруфимиздаги ҳар бир ташкилот ёки дасталарга, аввало, ишлаш учун шароит яратиб беришга ҳаракат қиламиз. Сўнгра, ўз навбатида иш ҳам талаб қиламиз. Айни чоғда, уларнинг ҳар бирига ҳомий ташкилотлар топиб, бириктириб қўямиз. Тўғри, бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Югурамиз, еламиз, яхши муомала қиламиз, шу билан бир қаторда ниятимизга ҳам етамиз. Акс ҳолда мустақиллик байрами ҳамда улуғ бобомиз тўйларига бу қадар муваффақиятли тайёргарлик кўра олмаган бўлардик.

Шу ўринда бир мисол келтирсам. Юқорида «Шанс» дастаси ҳақида гаплашдик. Шу дастага шаҳримиздаги 29-таксомотор паркини ҳомийлик қилишига эришганмиз. Автопарк раҳбари Александр Никитич Калиниченко табиатан санъатга ихлосманд, шу ерда туғилиб, шу ерда ўсган инсон. Амалга ошираётган ишлари ҳам ҳавас қилгудек. Бир куни дастанинг концертини унга кўрсатдим. Ишонтирдимки, даста унинг ҳомийлигида катта ютуқларга эришади. У ҳам даста учун қўлидан келган барча ишларни қилаяпти. Унинг бевосита ёрдамида, юқорида таъкидлаганимиздек, Амир Темур тўйига махсус либослар ҳамда концерт дастури тайёрланди. Ана шундай фидойи инсонларни топа билиб, ўз соҳамизга яқинлаштирсак, ишларимиз олға босаверади.

— Вилоятимиздаги саноқли музейлардан бири Ангрен шаҳрида мухлисларга хизмат кўрсатмоқда. Соҳибқирон таваллудига музейда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ўлкашунослик музейимиз байрам арафасида таҳмирдан чиқарилди. Шонли санага бағишлаб шаҳримиз рассомлари томонидан яратилган тасвирий санъат кўргазмаси ташкил этилди. Бу оддий кўргазма бўлмай, балки савдо кўргазмаси ҳамдир. Кўргазмага қўйилган А. Бухоров, А. Исаев, Ю. Катаевларнинг асарлари томошабинлар диққатини ўзига тортмоқда. Чунки, улар яратган асарлар шаҳримизнинг гўзал манзаралари, пурвиқор тоғлари-ю, ажойиб сойлари, мевазор боғлари ҳақида ҳикоя қилади.

Музейга қадам қўйган томошабиннинг нигоҳи, марказдан ўрин эгаллаган Амир Темур ҳаётини ўзида акс эттирган кўргазмага тушади. Бу ердан Соҳибқироннинг мойбўёқда яратилган портрети, у ҳақдаги китоблар, расмлар ўрин олган. Шунингдек, байрам арафасида пойтахтимиздан келтирилган «Ўзбекистон графикаси» ҳамда шаҳримизнинг фахрий фуқароси, собиқ кончи Д. Мамедова асарлари асосида янги кўргазма ташкил этдик. Маҳорат билан яратилган бу санъат асарлари мухлисларга табиатнинг гўзаллиги ва жозибаси ҳақида ҳикоя қилади. Булар эса ёшларимизга ибрат намунаси мактаби вазифасини ўташи билан ҳам ниҳоятда қимматлидир.

Лекин, қилинган ишлардан ҳали амалга оширилиши керак бўлган ишларимиз кўп. Шундай бўлса-да, буюк бобокалонимиз тўйларини муносиб кутиб олишга барча куч ва ғайратимизни аямаймиз. Улуғ сана кунларида марказий майдонимизда эса халқ сайлини ҳам ўтказамиз. Бунинг учун ҳозирдан тараддуд кўриб қўйганмиз. Фурсатдан фойдаланиб, вилоятимизнинг барча аҳолисини шаҳримизга лутфан таклиф қиламиз.

Суҳбатдош Баҳодир ВАЛИЕВ.

Юртни мардлар қўриқлайди

ЙИГИТ — ВАТАН ПОСБОНИ

9 октябрь куни вилоят тўпланиш жойида ёшларни ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди

ЁШЛАРНИ она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда аждодларимизга хос мардлик, қаҳрамонлик, юртсеварлик фазилатларини шакллантиришда, соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг ҳаёти ва фаолияти, улуғ ишлари барчамизга ибрат олса арзигуликдир. Мана шундай буюк саркарда-ю алломаларнинг ворислари эканлигимизни бир дақиқа бўлсин унутишга ҳаққимиз йўқ.

Маълумки, бу йил юртимиз бўйлаб улуғ бобокалонимиз Амир Темурнинг 660 йиллик тўйи кенг нишонланмоқда. Ватанимизнинг барча гўшаларида байрам руҳи ҳукмрон. Бугун сайёрамизнинг турли бурчакларида уруш олови аланга олаётган бир паллада республикамиз Президенти юритаётган оқилона сиёсат туфайли тинчлик, барқарорлик, яратиш, бунёдкорлик руҳи диёримизда ҳукм сурмоқда. Мустақилликни қўлга киритгандан буён қисқа фурсат ўтган бўлса-да, асрларга татигулик улуғвор ишлар амалга оширилди. Жаҳон бизни — биз жаҳонни танидик.

Мустақиллигимиз рамзи бўлган ўз байроғимиз ва гербимизга, мадҳиямизга эга бўлдик. Шулар қатори кундан-кун шаклланиб, кучга тўлиб бораётган миллий армиямиз ҳам халқимизнинг фахру ифтихоридир. Шавкатли анъаналарга бой бўлган ана шу армиямизнинг сафидан жой олишга шай турган мард ўғлонлар билингизки, бу эр йигит учун катта шараф ва ишонч, айни дамда катта масъулият ҳамдир.

Куни кеча вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидан ҳарбий хизматга чақирилган навқирон йигитларни армияга тантанали кузатиш маросимида ёшларга қарата юқоридаги каби илиқ сўзлар айтилди.

Ёш чақирилувчилар ҳузурида сўзга чиққан ҳарбий учувчи, қаҳрамон, республика фахрийлар кенгашининг аъзоси, генерал полковник П. Ф. Шевелев, вилоят мудофаа ишлари бўйича бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи Р. Ҳ. Тошхўжаев, республика Мудофаа вазирлигининг вакили Д. Тўланов, «Камолот» вилоят ёшлар жамғармаси раиси Ё. Турсунов ва бошқалар тантанали маросимда сўзга чиқиб, мустақил Ўзбекистон сарҳадларини ҳимоя қилишга бел боғлаган йигитларга оқ йўл тиладилар. Ёшлар жамғармаси томонидан ҳар бир ўғлонга совға-саломлар топширилди. Фахрийлар ва чақирувчиларнинг ота-оналари Ватан олдидаги муқаддас бурчларини ўташ учун ҳарбий хизматга отланган ўғлонларга «дилингизда юрт ишқи ҳамиша ёниб турсин», дея оқ фотиҳа беришди.

Оркестр садолари остида дастлабки марш қадамларни ташлаётган йигитлар нигоҳида дадиллик, жасорат, мардлик учқунлари порлаб турарди. Азиз йигитлар, Сизни кузатиб чиққан ота-онангиз, қону-қариндошларингиз, севикли, ёрингиз, қолаверса, халқимиз ўз тинчлик, осойишталигини сизнинг қўлингизга ишониб топширмоқда. Ой бориб, омон қайтинг.

Миржалол МИРАЛИЕВ.

• Суратларда: вилоят тўпланиш жойидаги тантанадан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

Аёл ўйлари

КЎНГИЛЛАР ЙИҒЛАМАСИН...

ОДАМЗОД бир лаҳзадеккина туюладиган ҳаёти давомида минг бир машаққатли синовлар ва кўз ёшларга ўралган дарду-ҳасрат ичра севинч қидира-қидира умр сўқмоқларида бедор кезади. Бир нафаслик севинч, озгина қувонч, ярим кўнглини чоғ этмоқ учун гоҳида қилич дамларига нигоҳини қадайди, ҳатолардан қўрқади, бироқ, хатоларга йўл бериб ҳам қўяди. У гоҳ ғолиб, гоҳ мағлуб...

Кўнгилларни яйратиб, юракларни озиқлантирувчи, бутун танага куч-қувват ато этгувчи шодликни, чин маънодаги Шодликни топиш эса осон эмас. Ким кимдан ёки нимадан узоқ ва мазмунли яшаш сирларини ўрганмасин, ўз қалби ва идроки етганчалик қадам ташлайди бу умр сўқмоқларида. Ҳаётни кузатар экансиз, «менда ташвиш йўқ» дейдиган, ҳамиша бирдек тетик ва хушчаҳчақ кишини ҳар доим ҳам учратавермайсиз.

Бирор ғам дилимизни эзса, «бу бир кам дунё-да!» дея ўзимизни овутамиз ҳам. Ўжар ҳисларинг тийилгандай, қоронғу дунёйинг ёришгандай бўлади ўша сўзлардан сўнг. Аслида бир кам дунёмикин ёки меҳрсизликмикин кўнгилларни ғамга ботиргувчи куч? Ўзим ҳам ўйланиб қоламан жавоб-ато этгусидир. Ҳар қандай назокатли сўзларни ўз вақтида, ўз жойида ишлата билиш эса осон эмас. Яна бир томони ҳам борки, ширин, эркаловчи, назокатли сўзларни, илтифотларни жиддий ва совуқ оҳанг ила айтишнинг ҳеч ҳожати йўқ! Гўзал сўзларни айтмоқ учун инсонда имкон ва зарурат, шунингдек, нозик идрок бўлиши керак. Ҳоҳишчи, дерсиз? Ҳоҳишни қалбдаги ниятлариданми, маҳзун ҳаёлларимнинг қат-қатлариданми, аллақандай нафис садо келади шундай онларда. Яъни, эҳтиросларнинг тўлқини инсон табиатини, руҳиятини тарк этсагина танада инкироз юз беради. Авваламбор, эҳтиросни бошқара билиш учун зукколик, фаросат зарурдир. Тийиксиз эҳтиросларнинг эса бошга минг бир турли балолар солгусидир. Нафис ва тоза, самимий айтилган эҳтиросли сўзлар эса кишига олам-олам куч-қудрат ҳадияларидан кидира-кидира... Юрагимнинг инжа томирларидаги, паришон кўнглимнинг йироқ сарҳадларидаги, маҳзун ҳаёлларимнинг қат-қатларидаги, аллақандай нафис садо келади шундай онларда. Яъни, эҳтиросларнинг тўлқини инсон табиатини, руҳиятини тарк этсагина танада инкироз юз беради. Авваламбор, эҳтиросни бошқара билиш учун зукколик, фаросат зарурдир. Тийиксиз эҳтиросларнинг эса бошга минг бир турли балолар солгусидир. Нафис ва тоза, самимий айтилган эҳтиросли сўзлар эса кишига олам-олам куч-қудрат ҳадияларидан кидира-кидира... Юрагимнинг инжа томирларидаги, паришон кўнглимнинг йироқ сарҳадларидаги, маҳзун ҳаёлларимнинг қат-қатларидаги, аллақандай нафис садо келади шундай онларда. Яъни, эҳтиросларнинг тўлқини инсон табиатини, руҳиятини тарк этсагина танада инкироз юз беради. Авваламбор, эҳтиросни бошқара билиш учун зукколик, фаросат зарурдир. Тийиксиз эҳтиросларнинг эса бошга минг бир турли балолар солгусидир. Нафис ва тоза, самимий айтилган эҳтиросли сўзлар эса кишига олам-олам куч-қудрат ато этгусидир. Ҳар қандай назокатли сўзларни ўз вақтида, ўз жойида ишлата билиш эса осон эмас. Яна бир томони ҳам борки, ширин, эркаловчи, назокатли сўзларни, илтифотларни жиддий ва совуқ оҳанг ила айтишнинг ҳеч ҳожати йўқ! Гўзал сўзларни айтмоқ учун инсонда имкон ва зарурат, шунингдек, нозик идрок бўлиши керак. Ҳоҳишчи, дерсиз? Ҳоҳишни қалбдаги ниятларингиз, ана шу меҳрдан юзага келган десам хато бўлмас. Бошқа миллат фарзандининг ўзбекча гапириши, шеър айтиши, роль ўйнаши бизда одатий бир ҳолдир.

Бир мисол келтирсам. «Шанс» шоу балет дастасида 20 га яқин қатнашчи бор бўлиб, улар турли миллат йигит-қизларидир. Даста аъзоларининг баъзилари талаба, қўллари ишчи! Улар яқинда республикамизнинг мустақиллик байрамида пойтахтимизда муваффақиятли қатнашиб келишди. Биласизми, улар ўз ташаббуслари билан Амир Темур бобомизнинг тўйига махсус концерт дастури тайёрлашди, кўриб жуда хурсанд бўлдик. Энг қизиғи шундаки, улар бир нечта «Ўзбекча», «Арабча», «Ҳиндча», «Тожикча», «Татарча», «Мустанге» ва бошқа рақсларга мос бўлган либосларни ҳам ўзлари қўлларида тайёрлашган.

— Кўпинча хизмат сафари билан жойларга чиққанимизда, маданият ходимлари «унимиз йўқ, бунимиз йўқ», — деб турли муаммоларни кўндаланг қўйишади. Сизларда нега унақа эмас? Бу борадаги тажрибаларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.

— Ишлаган имкон топади, дейдилар. Бизнинг олдимизга халқимизнинг маданий савиясини, маънавиятини ошириш, ўстиришдек муқаддас вазифа қўйилган экан, имкон қадар, виждонан, ҳалол, масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда ишлашимизга тўғри келади.

Биз тасарруфимиздаги ҳар бир ташкилот ёки дасталарга, аввало, ишлаш учун шароит яратиб беришга ҳаракат қиламиз. Сўнгра, ўз навбатида иш ҳам талаб қиламиз. Айни чоғда, уларнинг ҳар бирига ҳомий ташкилотлар топиб, бириктириб қўямиз. Тўғри, бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Югурамиз, еламиз, яхши муомала қиламиз, шу билан бир қаторда ниятимизга ҳам етамиз. Акс ҳолда мустақиллик байрами ҳамда улуғ бобомиз тўйларига бу қадар муваффақиятли тайёргарлик кўра олмаган бўлардик.

Шу ўринда бир мисол келтирсам. Юқорида «Шанс» дастаси ҳақида гаплашдик. Шу дастага шаҳримиздаги 29-таксомотор паркини ҳомийлик қилишига эришганмиз. Автопарк раҳбари Александр Никитич Калиниченко табиатан санъатга ихлосманд, шу ерда туғилиб, шу ерда ўсган инсон. Амалга ошираётган ишлари ҳам ҳавас қилгудек. Бир куни дастанинг концертини унга кўрсатдим. Ишонтирдимки, даста унинг ҳомийлигида катта ютуқларга эришади. У ҳам даста учун қўлидан келган барча ишларни қилаяпти. Унинг бевосита ёрдамида, юқорида таъкидлаганимиздек, Амир Темур тўйига махсус либослар ҳамда концерт дастури тайёрланди. Ана шундай фидойи инсонларни топа билиб, ўз соҳамизга яқинлаштирсак, ишларимиз олға босаверади.

— Вилоятимиздаги саноқли музейлардан бири Ангрен шаҳрида мухлисларга хизмат кўрсатмоқда. Соҳибқирон таваллудига музейда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ўлкашунослик музейимиз байрам арафасида таҳмирдан чиқарилди. Шонли санага бағишлаб шаҳримиз рассомлари томонидан яратилган тасвирий санъат кўргазмаси ташкил этилди. Бу оддий кўргазма бўлмай, балки савдо кўргазмаси ҳамдир. Кўргазмага қўйилган А. Бухоров, А. Исаев, Ю. Катаевларнинг асарлари томошабинлар диққатини ўзига тортмоқда. Чунки, улар яратган асарлар шаҳримизнинг гўзал манзаралари, пурвиқор тоғлари-ю, ажойиб сойлари, мевазор боғлари ҳақида ҳикоя қилади.

Музейга қадам қўйган томошабиннинг нигоҳи, марказдан ўрин эгаллаган Амир Темур ҳаётини ўзида акс эттирган кўргазмага тушади. Бу ердан Соҳибқироннинг мойбўёқда яратилган портрети, у ҳақдаги китоблар, расмлар ўрин олган. Шунингдек, байрам арафасида пойтахтимиздан келтирилган «Ўзбекистон графикаси» ҳамда шаҳримизнинг фахрий фуқароси, собиқ кончи Д. Мамедова асарлари асосида янги кўргазма ташкил этдик. Маҳорат билан яратилган бу санъат асарлари мухлисларга табиатнинг гўзаллиги ва жозибаси ҳақида ҳикоя қилади. Булар эса ёшларимизга ибрат намунаси мактаби вазифасини ўташи билан ҳам ниҳоятда қимматлидир.

Лекин, қилинган ишлардан ҳали амалга оширилиши керак бўлган ишларимиз кўп. Шундай бўлса-да, буюк бобокалонимиз тўйларини муносиб кутиб олишга барча куч ва ғайратимизни аямаймиз. Улуғ сана кунларида марказий майдонимизда эса халқ сайлини ҳам ўтказамиз. Бунинг учун ҳозирдан тараддуд кўриб қўйганмиз. Фурсатдан фойдаланиб, вилоятимизнинг барча аҳолисини шаҳримизга лутфан таклиф қиламиз.

Суҳбатдош Баҳодир ВАЛИЕВ.

Муштарий илҳомлари

ҒУЛЛАҒАН ДИЁРИМ

Эркимиз байроғин олдинг қўлингга,
Тонглари оппоғим, нурли бўстоним.
Қуёш ҳам ҳамроҳинг зафар йўлингга,
Ғуллайвер, мустақил Ўзбекистоним.

Истиқлол тухфаси — осуда даврон,
Эркингни қутлайди жумла жаҳоним.
Барқарор тинчликка элтади замон,
Гуллайвер, мустақил Ўзбекистоним.

Нурафшон келажак қулиб боқмоқда,
Ватаним кўксига гуллар тақмоқда.
Аждодлар орзуси бари бўлмоқда,
Гуллайвер, мустақил Ўзбекистоним.

Эркимиз йўлида бир тан, бир жонмиз,
Ғовларни енгишда якдил иймонмиз,
Тинчликни сақлашда ҳушёр посбонмиз,
Яшнайвер, мустақил Ўзбекистоним!

Рўзимат ДАМИНОВ,
Қибрай тумани.

ЭЙ, САРВИНОЗ...

Ажаб, чечакдан бошда чамбар кулола қилибсан,
Юзингни, эй сарвиноз, уятдан лола қилибсан.

Хуснинг камолга етган сариким, эй моҳтобон,
Қалбимни қон тўла биллур пиёла қилибсан.

Осмон йиғлайди, шамоллар шивирлар оҳингдан,
Кўз ёш нечунким, ол рангидек жола қилибсан.

Алам босилмагайдир май била, асло унутма,
Бериб пиёла бул он, мохрўз, нола қилибсан.

Ҳаёт ўткинчи асли, дард била киши ўлмас,
Ҳаққин сўрамай дилга ғаминг ҳавола қилибсан.

Ёзсанг тугамас Саҳий, дунёнинг чўнг ишлари,
Шарҳин сўралса юз минг рисола қилибсан.

Саъдулла ХЎЖАЕВ,
Тошкент тумани.

Футбол

«НАВБАҲОР»МИ ЁКИ «НЕФТЧИ»?

КЕЧИКТИРИЛГАН икки ўйиндан кейин чемпионликка асосий даъвогар бўлган «Навбаҳор» билан «Нефтчи» орасидаги фарқ яна уч очкога камайди. Наманганликлар Тошкентда «Пахтакор»дан 1:3 ҳисобида мағлубиятга учраган бўлса, фарғоналиклар МҲСКни кескин курашда 3:2 ҳисобида енгишди.

ГАРЧАНД армиячилар биринчи бўлиб ҳисобни очишган, ўн бешинчи минутда эса Нуъмон Ҳасанов ўн бир метрдан ҳисобни 2:0 га етказган бўлса-да, «Нефтчи» ўйинда бурилиш ясай олди ва пировард 3:2 ҳисобида жуда муҳим ғалабани қўлга киритди. Шундай қилиб, мавсум тугашига беш тур қолганда чемпионлик учун кураш янада кескинлашди.

21 турдан сўнг мағлубият нималигини билмаган «Навбаҳор» 17 ғалаба ва икки дурангта эришиб, 53 очко билан пешқадамлик қилаётган пайтда «Нефтчи» икки бор мағлубиятга учраб, 45 очко тўплаган ва пешқадамдан саккиз очко орқада эди. Фарғонадаги ўйинда «Навбаҳор» илк бор муваффақиятсизликка учрагандан сўнг чемпионлик учун кураш кескинлашди. Бугунга келиб бу икки жамоани атиги уч очко ажратиб турипти, холос.

Агар олтин ва кумушни «Навбаҳор» билан «Нефтчи» бўлишиб оладиган бўлса МҲСК сўнгги мағлубиятдан кейин чемпионликдан батамом умидини узди ва энди кумуш медалга ҳам қўли етмайдиган кўринади. Армиячилар Бухоронинг «Нурафшон» жамоаси билан бронза медалларига даъвогар бўлиб туришибди. «Пахтакор» «Навбаҳор»ни енгандан сўнг 45 очко билан жадвалда бир поғона юқорига кўтарилди.

26-тур ўйинлари 12 ва 13 октябрь кунлари бўлади.

Жамоаларнинг 25 турдан сўнг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

ЖАМОАЛАР	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Навбаҳор»	**20**	**3**	**2**	**73-18**	**63**
2. «Нефтчи»	**19**	**3**	**3**	**55-28**	**60**
3. МҲСК	**14**	**7**	**4**	**65-33**	**49**
4. «Нурафшон»	14	5	6	49-25	47
5. «Пахтакор»	14	3	8	44-23	45
6. «Дўстлик»	13	4	8	40-29	43
7. «Атласчи»	11	3	11	40-47	36
8. «Трактор»	10	5	10	41-39	35
9. «Янгиер»	9	2	14	40-47	29
10. «Наврўз»	7	8	10	35-45	29
11. «Динамо» (С)	9	0	16	30-39	27
12. «Сўғдиёна»	8	3	14	36-49	27
13. «Косонсой»	7	3	15	27-54	24
14. «Машъал»	6	4	15	20-51	22
15. «Динамо» (У)	**5**	**3**	**17**	**22-53**	**18**
16. АСК	**4**	**4**	**17**	**22-59**	**16**

«Нефтчи»нинг ҳужумчиси Рустам Дўрмонов 20 та гол билан тўпурарлар баҳсида пешқадамлик қилмоқда. «Дўстлик» ҳужумчилари Жаъфар Ирисметов ва Фарид Хабибулинлар 13 тадан тўп билан кучлилар сафидан жой олиб туришибди.

5 ўйиннинг 4 таси сафарда

Биринчи гурухда вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётган беш жамоамиз навбатдаги тур ўйинларини ўтказишди. Бекободнинг «Металлург» футболчилари сафарда «Диёр»ни 2:0, Чирчиқнинг «Кимёгар» жамоаси эса «Олтинкўл»ни 1:0 ҳисобида енгди. Қибрайнинг «Роҳат», Бўстонлиқнинг «Ғазалкент» жамоалари ҳам сафарда ўйнашди. «Роҳат» «Тўқимачи»дан «Ғазалкент» эса «Шаҳрихон»дан бир хил 1:2 ҳисобида енгилишди. «Бўкалик» ўз майдонида «Зафар» билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади.

ТАШКИЛОТ

ЗИЛ, ГАЗ-53, ГАЗ-24, МАЗ, КамАЗ автомобилларининг поршеллар гуруҳлари, тирсакли ўқлари, поршен халқалари ва бошқа эҳтиёт қисмлари, шунингдек Д-240нинг поршен халқаларини **сотади.**

Мурожаат учун телефон: 56-02-13

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0566. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 8647 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5 6